

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

СИЁСАТШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ
ЖАХОН СИЁСАТИ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Юсупова Ирода Фозил қизи

МАВЗУ
ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА АҚШНИНГАХБОРОТ
ХАВФСИЗЛИГИ ОМИЛИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

5220500 – Халқаро муносабатлар

Илмий раҳбар: с.ф.н. Камилъжанов А.А.

Тошкент – 2011

Ҳимояга рухсат берилди

Факультет декани: _____

Кафедра мудири: _____

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ МАСАЛАЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	8
1.1 Глобаллашув жараёнининг мазмуни ва назарий талқини.....	8
1.2. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб муаммолари.....	15
II БОБ. АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ АҚШ ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА.....	22
2.1. АҚШда ахборот хавфсизлигини таъминлашга тўсқинлик қилувчи омиллар.....	22
2.2. АҚШ ташқи сиёсий стратегиясида ахборот хавфсизлиги масалаларининг акс этиши.....	30
2.3. АҚШнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги сиёсати истикболлари.....	38
ХУЛОСА.....	47
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	53

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. XX асрнинг иккинчи ярми тезкор, кенг кўламдаги ахборот тизими ва телекоммуникация технологияларининг ривожланиш даври сифатида, улар ҳаётнинг деярли барча жабҳаларига ва инсон фаолиятига кириб бориши, шунингдек, ахборот маконининг глобаллашуви, бутун жаҳон ривожига таъсир кўрсатган ва кўрсатаётган омил сифатида эътироф этилади.

Информацион соҳа жамият ҳаётини ривожлантириб, хавфсизликнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларига юқори даражада таъсир кўрсатади. Шу боис, жаҳондаги етакчи давлатлар тажрибаларини чуқур ўрганиш, илмий таҳлил қилиш орқали, юртимиз миллий манфаатларига жавоб берувчи ахборот хавфсизлиги тизимини барпо этиш ўринли.

Глобаллашаётган дунёда ахборот халқлараро ва давлатлараро муносабатларда катта аҳамият касб этади. Яъни у жаҳон ҳамжамияти ҳаётида ҳам ижобий ҳам салбий куч сифатида намоён бўлиши мумкин.

Мазкур жараёнларга муносабат билдирар экан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов қуйидаги фикрни илгари суради: “Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зараини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин”¹.

Ахборот оқимлари ва уларни шакллантирувчи, йўналтирувчи техник воситалар бугунги глобаллашув жараёнида давлатларнинг нафақат ўз миллий манфаатларини сақлаш, балки ушбу манфаатларни уйғунлаштиришни бош мақсади сифатида қараш лозим.

Сиёсий соҳада кучга қараганда ахборот омили тобора сезиларли

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б.115.

аҳамият касб этиб бормоқда. Бугунги кунда "Ким информацияга эга бўлса, у дунёни бошқаради" деган қоида ҳукмрон бўлиб қолди. Бугунги кунда жаҳон давлатлари ахборот оқимлари устидан ҳукмронлик қилиш мақсадида ахборот технологияларини шиддат билан инсоният фаолиятининг барча соҳаларига олиб кираётган бир пайтда, бу соҳада илғор давлатлар ва ривожланаётган давлатлар ўртасидаги тафовут борган сари катталашаётгани маълум бўлмоқда.

Бу ўринда Ўзбекистонда жамиятни ахборотлаштириш, ахборот технологияларини изчил ва тезкор ривожлантириш борасидаги давлат сиёсати ўзбек жамиятининг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон глобал ахборот муҳитига фақат мустақилликдан сўнг кириб келган бўлсада, ўтган оз фурсатга қарамай Республикада Интернет провайдерлари ва Интернетдан доимий фойдаланувчиларнинг сони йилдан-йилга шиддат билан ортиб бормоқда¹.

Информацион тараққиёт борасида Ўзбекистон Президенти И.Каримов Олий Мажлис иккинчи чақириқ 5 сессиясида сўзлаган нутқида ахборот технологияларини ривожлантириш борасидаги долзарблик даражасини кўйидагича ифодалаган эди: «Ўзбекистон жаҳон ахборот майдонида ўзини кўрсатиши, илдам қадамлар билан олдинга интилиши керак. Бунинг учун албатта кўп йиллар керак бўлади. Ўзбекистон ахборот-коммуникацион технологияларни ўзлаштиришда ҳозирги дунёда энг илғор кўрсаткичларни қўлга киритиши лозим»².

Ҳар қандай ахборот ҳуружлари ахборот қуроллари орқали амалга оширилади. Ахборот миллий хавфсизликка тобора таъсир кўрсатувчи муҳим давлат ресурси бўлиб бораётган шароитда давлатларнинг ахборот соҳасида, яъни “ахборот уруши” билан бевосита боғлиқ масалаларни ўрганиш ва

¹ Вазирлар Маҳкамасининг алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари масалалари бўйича мажмуасининг 2004 йил маълумотларига мувофиқ, бугунги кунда республикада Интернетдан доимий фойдаланувчилар сони 500.000 дан ошган.

² Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ, 5-сессиясидаги нутқидан. 2001 йил 15 май.

ишлаб чиқишга интилишлари ортиб бормоқда.

Бу борада АҚШ ҳарбий соҳасида ахборот ва ахборот-психологик уруш концепциясини амалга ошириш учун етарли асос яратилган ҳамда ахборот соҳасида олиб борилган қарама-қаршилик борасида ўзига хос амалий тажриба тўпланганини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Шу билан биргаликда ҳарбий кучни қўлламаган ҳолган ахборот урушини олиб бориш стратегияси изчил равишда амалга оширилмоқда. Айтиш пайтда АҚШда ахборот, телекоммуникация, ҳисоблаш ва кадрлар ресурсларини «матрица» шаклида ташкил қилиш тамойили тобора ривожлантирилиб бормоқда.

Жаҳонда ахборот ва телекоммуникация инфратузилмаси ривожланган мамлакатлардан бири бўлган АҚШ тажрибаси миллий манфаатлар негизида ахборот хавфсизлигини барча соҳаларда таъминлаш борасида олиб бораётган фаолияти тажрибасини ўрганиш муҳим вазифалардан бири саналади.

Айтиш вақтда, ахборот тизими имкониятларини миллий манфаатларни ҳимоялаш ва ривожлантириш, шунингдек, глобал ахборот маконида давлатнинг манфаатларини амалга ошириш учун қулай шароит яратиш йўлида фойдаланиш жуда муҳим ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг ўрганилганлик даражаси. Юртимизда ахборот хавфсизлиги масалалари долзарб аҳамият касб этилаётганига қарамасдан, мазкур масала асосан миллий хавфсизлик масалалари негизида тадқиқ этилган. Бу борада асосан ғарб, рус олимлари ва тадқиқотчилари томонидан олиб борилган ишлар эътиборга лойиқдир.

Айтиш жоизки, ҳар бир давлат, жумладан АҚШ ички ва ташқи сиёсатида ахборот хавфсизлиги масалаларига баҳо бериш, ушбу жараёни илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш долзарб масала ҳисобланади. Шу боис битирув малакавий ишини ёзишда, аввало, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг мазкур масала юзасидан таъкидлаб ўтган концептуал қарашлари, Ўзбекистон Республикаси миллий манфаат ва миллий хавфсизлик масалалари ва, энг муҳими, маънавий-мафкуравий ва

ахборот хавфсизлиги масалаларига бағишланган асарларига таянилди¹.

Шунингдек, бу борада юртимиз олимларидан Р.М.Алимов, М.Ал-Бухори, Ф.Ф.Толипов, У.А.Убайдуллаев каби бир олимларимиз ўз асарларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратишган². Масалан, Р.Алимова ва М.Ал-Бухори ахборот хавфсизлиги масалаларини ОАВ негизда тадқиқ этишган. У.А.Убайдуллаев эса ўз изланишларида ахборот хавфсизлигини миллий хавфсизликни таркибий қисми сифатида ўрганган.

Тадқиқот ишида рус олимларидан Г.Почепцов, И.Панарин, К.Фролов, Т.Партыка, А.Осипенко каби мутахассисларнинг тадқиқотлари катта аҳамиятга эга.³

М.Либицки, У.Швартау, Дж.Штейн каби хорижий мутахассислар мазкур масалага ёндошар эканлар, асосан ахборот уруши масалаларини тадқиқ этадилар.⁴

Юқорида номлари зикр этилган олимлар, мутахассислар ўз илмий ишларида мавзунинг айрим жиҳатлари очиб берган бўлишларига қарамай, АҚШ ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи бевосита комплекс равишда ўрганилмаган. Шунингдек, ушбу феноменнинг кўздан йироқ томонларини илғаб олиш, уларни ўрганиш ва тадқиқ этиш бугунги кун нуқтаи назарида долзарб аҳамият касб этади.

Ишнинг объекти ва предмети. Ахборот хавфсизлигини таъминлашга

¹ Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009; Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008; Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1998; Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997; Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. –Т.: Ўзбекистон, 1996.

² Алимов Р. М. Информационные процессы в сфере обеспечения стабильности и безопасности в условиях глобализации. Т.: 2001; Аль-Бухари М. Средства массовой информации Республики Узбекистан: политико-правовые основы их деятельности. «Шарқ машғали». - Т.:2001.; Толипов Ф. Сравнительный анализ интеграции в СНГ и Центральной Азии. «Центральная Азия и Кавказ. № 5(6)1999.; Тураев Б, Убайдуллаев У. Жамиятда барқарорлик ва тинчликни таъминлашда янгича тафаккур. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. «Ўзбекистон» - Т.: 2000.

³ Почепцов Г.Г. Информационные войны. –Киев: Ваклер, 2000. -573 с.; Панарин И.И. Технология информационной войны. –М.: КСП+, 2003. -320 с.; Партыка Т.Л. Информационная безопасность. –М.: Форум: Инфра-М, 2002. -368 с.

⁴ Libicki M. What is information warfare? – <http://www.ndu.edu/>, 15.07.04г; Schwartau W. An Introduction to Information Warfare // War in the information Age. New Challenges for US Security Policy. –Washington etc., 1997; Stein G. Information War – Cyberwar – Netwar // http://www.infowar.com/mil_34i/stein1.html-ssi, 21/05.04.

қаратилган АҚШ сиёсати битирув-малакавий ишнинг объекти сифатида олинди. АҚШ ахборот хавфсизлигини таъминлаш сиёсатида таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омиллар **тадқиқот ишининг предмети** сифатида белгилаб олинди.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Глобаллашув шароитида АҚШ ташқи сиёсатида ахборот хавфсизлиги омилини ўрганиш тадқиқотнинг **мақсади** ҳисобланади. **Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларга эътибор қаратилди:**

- Глобаллашув жараёнининг мазмуни ва назарий талқини ўрганиш;
- Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб муаммоларини тадқиқ этиш ва аниқлаш;
- АҚШда ахборот хавфсизлигини таъминлашга тўсқинлик қилувчи омилларни кўрсатиш;
- АҚШ ташқи сиёсий стратегиясида ахборот хавфсизлиги масалаларининг акс этишини таҳлил этиш;
- АҚШнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги сиёсати истиқболларига баҳо бериш.

Битирув малакавий ишнинг услубий-назарий асоси. Битирув малакавий иш Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мавзуга оид қарашлари, фикрлари ҳамда расмий доиралардаги маърузаларига таянилган ҳолда бажарилди. Шунингдек, тадқиқотни бажаришда халқаро муносабатлар тизимининг шаклланишига оид сиёсий назария ва қарашлар инобатга олинди. Илмий услублар – мантикий умумлаштириш, тизимлаштириш, умумийлик ва хусусийлик, контент ва тизимли таҳлилдан фойдаланилди.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, икки боб, беш параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ МАСАЛАЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1. Глобаллашув жараёнининг мазмуни ва моҳияти

XX асрнинг 80-90 йиллари ва XXI-аср бўсағасига келиб дунёнинг сиёсий манзараси тубдан ўзгарди, икки қутбли дунё барҳам топди. Нисбий мувозанат бузилди. Дунёдаги икки қутбнинг бири бўлган социалистик лагер тарқалиб кетди. Ўтган асрнинг бошларига келиб дунё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро таъсир шу қадар кучайиб бордики, бу жараёндан ўзини тўла ажратиб олган бирорта давлат йўқ деб тўла ишонч билан айтиш мумкин. Ҳаттоки халқаро ташкилотлардан узоқроқ туришга интилаётган, уларга аъзо бўлишни истамаётган мамлакатлар ҳам бу жараёндан мутлақо четда эмас.

Бугун инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдай фарқ қиладиган ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамокда. Давлат ва сиёсат арбоблари, файласуфлар ва жамиятшунос олимлар, шарҳловчи ва журналистлар бу даврни турлича таърифлаб, ҳар хил номлар билан атамокда. Кимдир уни юксак технологиялар даври деса, кимдир тафаккур асри, яна биров ялпи ахборотлашув даври сифатида изоҳламокда.

Албатта, бу фикрларнинг барчасида ҳам маълум маънода ҳақиқат, рационал мағиз бор. Чунки уларнинг ҳар бири ўзида бугунги серқирра ва ранг-баранг ҳаётнинг қайсидир белги-аломатини акс эттириши табиий. Аммо кўпчиликнинг онгида бу давр глобаллашув даври тариқасида таассурот уйғотмокда. Бундай таъриф кўп томондан масаланинг моҳиятини тўғри ифодалайди. Нега деганда, ҳозирги пайтда ер юзининг қайси чеккасида қандай бир воқеа юз бермасин, одамзот бу ҳақда дунёнинг бошқа чеккасида зудлик билан хабар топиши ҳеч кимга сир эмас. Глобаллашув феномени бугунги кунда илмий-фалсафий, ҳаётий тушунча сифатида жуда кенг маънони англатади. Умумий нуқтаи назардан қараганда, бу жараён мутлақо

турлича маъно-мазмундаги хўжалик, ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик глобал муҳитнинг шаклланишини ва шу билан бирга, мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этмокда¹.

Глобаллашув шундай жараёнки, ундан четда тураман деган мамлакатлар унинг таъсирига кўпроқ учраб қолиши мумкин. Бундай ғайри ихтиёрий таъсир эса кўпинча салбий оқибатларга олиб келмокда.

Глобаллашувнинг турли мамлакатларга ўтказаетган таъсири ҳам турлича. Бу ҳол дунё мамлакатларининг иқтисодий ахборот, маънавий салоҳиятлари ва сиёсати қандай экани билан боғлиқ. Дунёда юз бераётган шундай жараёнларнинг ҳар бир мамлакатга ўтказаетган салбий таъсирини камайтириш ва ижобий таъсирини кучайтириш учун шу ҳодисанинг моҳиятини чуқурроқ англаш, унинг хусусиятларини ўрганиш лозим.

Глобаллашув яна шундай жараёнки, уни чуқур ўрганмаслик, ундан фойдаланиш стратегияси, тактикаси ва технологиясини ишлаб чиқмаслик мамлакат иқтисодиёти ва маданияти, маънавиятини тоғдан тушаётган шиддатли дарё оқимиға бошқарувсиз қайикни топшириб қўйиш билан баровар бўлар эди.

Мустақиллик даврида мамлакатимиз олимлари ўтказган ва ўтказаетган тадқиқотлар таҳлили бу соҳадаги ишлар эндиғина бошланаётганидан гувоҳлик беради.

Глобаллашув миллий маънавиятға ҳам таъсир ўтказади. Ҳар қандай сиёсат, жумладан, иқтисодий сиёсат ва маънавият соҳасидаги сиёсат ҳам илмий асосға эға бўлгандағина мувоффақият келтиришини назарда тутсак, бу масалалар олимларимиз сиёсатчиларимизға етарли кўмак беришларини эътироф этишға тўғри келади. Мамлакатимизнинг жаҳон майдонида олиб бораётган сиёсати кўпроқ самара ва мувоффақият келтиришини истасак, глобаллашувнинг моҳияти, йўналишлари, хусусиятларини чуқурроқ тадқиқ ва таҳлил қилиш зарур. Айнан шу жараёни таҳлил қилиш орқали

¹ Кўчаров Ч.Ш. Марказий Осиёнинг минтақавий интеграцион жараёни муаммолари: (Геосиёсий таҳлил тажрибаси). –Т.: Фан, 2008. 49-52 бетлар.

сиёсатчиларнинг тўғри йўл танлаши ва қарорлар қабул қилиши учун имконият яратиш мумкин.

Бугунги кунда дунёнинг глобаллашуви таъсирида ахборот оқими, жараёнлар алмашинуви шунчалик тез содир бўлмоқдаки, илгари бир неча аср давом этган жараёнлар ҳозирда ўн йилларда содир бўлмоқца. Шу жиҳатдан келиб чиқиб, бутун жаҳонда рўй бераётган глобаллашув жараёнларини ўрганиш, уларни фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш, ҳамда турмушимизнинг турли соҳаларига кўрсатаётган ижобий ва салбий таъсирларини аниқлаш, тегишли илмий хулосалар ишлаб чиқиш бугунги куннинг муҳим вазифалари ҳисобланади. Мамлакатимизда мазкур жараённи ўрганиш, унинг аломатлари ва асоратларини таҳлил қилиш бўйича кўплаб илмий анжуманлар ўтказилмоқда. Лекин, бу мавзуда ёзилаётган мақола ва тезисларни ҳисобга олмаганда ҳалигача глобаллашув жараёнини, унинг фалсафий таҳлили ҳамда ижобий ва салбий оқибатлари бўйича фундаментал асарлар эълон қилинганича йўқ. Зеро, глобаллашув жараёни инкор этиб бўлмайдиган, бутун ер шари миқёсида содир бўлаётган жараёндир.

Глобаллашувга берилган таърифлар жуда кўп. Лекин унинг хусусиятларини тўлароқ қамраб олгани, француз тадқиқотчиси Б. Бандининг таърифи ҳаққондир. Унга кўра, глобаллашув - муттасил давом этувчи тарихий жараён бўлиши билан бирга, унда жаҳоннинг универсаллашуви ҳамда миллий чегараларнинг “ювилиб кетиши”да ҳам намоён бўлади. Жаҳонда кечаётган жараёнларни кузатиш орқали юқорида келтириб ўтилган ўлчовларнинг уччаласини ҳам кўриш мумкин¹.

Глобаллашувнинг мамлакатлар иқтисодий сиёсати ва маънавиятига ўтказиши мумкин бўлган ижобий ва салбий таъсири Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Махатма Гандининг қуйидаги сўзларида яхши ифодаланган: “Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим маҳкам беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга,

¹ Валлерстайн И. Анализ мировых систем и ситуация в современном мире / Пер. с англ. – СПб., 2001. – С. 365.

очилган эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдартўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истамайман.”

Шу боис миллий истиқлол ғояси бугунги глобаллашув жараёнида уйимизни ҳаётимизни тоза ҳаво билан таъминлаб, айти пайтда, “довулла”дан сақлаш омили эканлигини англаш муҳим.

Кейинги вақтларда интернетда, республикамиз ҳамда хориж давлатларида ўтказилаётган илмий анжуманларда глобал, глобаллашув жараёни (ёки глобализация, глобаллашув жараёни деб ҳам юритилади мобализм терминлари кўплаб учрамоқда.

“Глобаллашув тушунчасининг ягона умумқабул қилинган таърифи бўлмасада, бу ходисани турлича талқин қиладиган кўплаб назарий ёндашувлар мавжуд. Одатда, глобаллашув деганда дунё миқёсида ягона иқтисодий-молиявий ва ахборот майдонининг шаклланиши жараёни тушунилади”¹.

Россиялик олим А.И.Уткин глобализацияни миллий иқтисодиётлар капиталининг тезкор ҳаракати, жаҳоннинг информацион ошқоралиги, технологик инқилоб, саноати ривожланган давлатларнинг товар ва капитали ҳаракатининг либераллашуви, коммуникацион яқинлашув ҳамда жаҳоншумул илмий инқилоб замиридаги ягона, бутунжаҳон тизимида кўшилишдир, дея изоҳ беради². Шунингдек, у глобаллашувни давлатлар таъсирида эмас, балки бозор муносабатлари таъсиридаги жараён эканлигини таъкидлайди.

З.Бауман эса эса глобаллашувни янги компьютер технологиялари асосида ягона бутунжаҳон молиявий-ахборот муҳитининг жадал шаклланиш жараёнидир, деб таърифлайди. Бунда глобаллашувнинг асосий аломатлари сифатида оммавир ахборот воситаларини ва ахборот комуникация технологияларини келтиради³.

И.Б.Чубайснинг фикрича, жамият тарихида қадриятлар тизимининг

¹ Умарова. Н. Глобаллашув шароитида ахборот хуружларига қарши кураш. Т., 2005. -3-бет.

² Глобализация, энциклопедия. Под ред. И.И.Мазур и А.Н.Чумакова. -М., 2003. -С. 181-182.

³ Бауман З. Глобализация. Последствия для человека и общества / Пер. с англ. – М., 2004. – С. 100-101.

тараққиёти глобаллашув жараёнига олиб келди¹. Бу терминларга берилган таърифлар ва изоҳларни таҳлил қилсак уларга турлича нуқтаи назардан ёндашилганлигини ҳамда улар бир-бирини тўлдирганлигини кўриш мумкин.

Кўпчилик муаллифлар таъкидлаганидек, глобаллашув ва глобализация сўзи луғавий маъносига кўра бирор жараённи, соҳани бутун Ер планетаси миқёсига эга бўлиш жараёнини билдиради. Масалан, иқтисодиётнинг глобаллашуви ёки экологик муаммоларнинг глобаллашув жараёни -уларнинг бутунжаҳон миқёсга эга бўлиши, бутун ер шарига ёйилиш жараёнини билдиради.

Глобализм - ижтимоий тузум бўлиб, инсоният ва жамият тараққиёти босқичининг бир кўринишидир. Бунда ижтимоий муносабатлар ва турли соҳалар (фан-техника, таълим-тарбия, саноат, иқтисод, сиёсат ва ҳ.к) бир бутун глобал характерга ва кўринишга эга бўлади, яъни глобал маданият, глобал жамият, глобал сиёсат, глобал таълим² ва ҳ.к.

А.Н.Чумаков глобал, глобаллашув ва глобализм атамаларига қуйидаги таърифларни келтиради: "Глобал - бутун глобусни қамраб олган, яъни ўз таъсирини бутун Ер шарига ўтказадиган, планетага нисбатан бир бутун; глобаллашув - универсаллашув жараёни бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари тузилмалари, алоқалари ва муносабатларини бутун Ер шари миқёсида бир бутунга айланиш жараёнидир; глобализм – дунёнинг, шунингдек маънавий дунёқарашнинг, атроф-муҳитни ҳис этиш усулининг глобаллигини ифодаловчи кўринишидир"³.

Бугуги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тизимли, шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётдан юз йиллар орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас.

Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки,

¹ Глобализация, энциклопедия. Под ред. И.И.Мазур и А.Н.Чумакова. -М., 2003.-С. 189.

² Ўша жойда.

³ Чумаков А.Н. Глобализация, контуры целостного мира. -М.:Проспект, 2005.-С.31.

қозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир куролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар.

Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, бугунги кунда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга. Бу масаланинг кишини доимо огоҳликка ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйикни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин.

Мана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериши амримаҳол. Буни кундалик ҳаётган учраб турадиган кўплаб воқеалар мисолида яққол кузатиш мумкин ва уларнинг қандай оғир оқибатларга олиб келишини узоқ тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ўтган йиллар давомида дунёда ва минтақамизда рўй берган, биз бевосита ўз бошимиздан кечирган воқеалар, мафкуравий жараёнларнинг ривожини бу хулосаларнинг тўғри эканини қайта-қайта исботламоқда.

Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, ҳис этиш мумкин. Айниқса, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли қадриятларнинг умуинсоний негизида уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро

ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши - табиийки, буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмоқда.

Айни пайтда ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда - эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Агарки, башарият тарихини, унинг тафаккур ривожини тадрижий равишда кўздан кечирадиган бўлсак, ҳаётда инсонни камолатга, юксак марраларга чорлайдиган эзгу ғоя ва таълимотлар билан ёвуз ва зарарли ғоялар ўртасида азалдан кураш мавжуд бўлиб келганини ва бу кураш бугун кам давом этаётганини кўрамиз.

Ҳозирги замон глобаллашув жараёни ўта мураккаб ҳодиса. Унинг турли мамлакатлар иқтисоди, сиёсати ва маънавиятига ўтказётган таъсири яна ҳам мураккаб бўлгани сабабли унга нисбатан ҳам жаҳонда бир-бирига нисбатан рақобатда бўлган икки гуруҳ; глобаллар ва аксилглобаллар гуруҳлари вужудга келди.

Глобаллашув тарафдорлари глобалистлар деб аталади. Улар орасида давлат арбоблари, сиёсатдонлар, саноатчи ва бизнесменлар кўпроқ учрайди. Аксилглобалистлар тўғрисида ўтган асрнинг 90-йиллари сўнгида кўп гапирилган бўлиб, улар орасида кўпроқ сўл кучлар, касаба уюшмалари ва ёшлар ташкилотларининг вакиллари бор. МДХ ҳудудида аксилглобалистлар Россия Федерацияси ҳудудида фаол ҳаракат олиб бормоқдалар, улар турли анжуманлар, семинарлар ўтказиш учун тўпланиб турадилар.

XX аср ўртасида глобаллашувнинг ташкиллашуви кучайгандан кейин бу жараённинг ўзи ҳам кескин тезлашди ва шиддатли тус олди. Бу ташкиллашувнинг кучайганини Бутунжаҳон савдо ташкилоти, Халқаро Валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Европа тараққиёти ва тикланиш банки ташкилотларининг вужудга келгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Глобаллашувнинг тезлашиши ва кучайишига жавоб сифатида аксилглобалистларнинг фаолияти ҳам кучайди. Улар глобаллашувнинг салбий оқибатларига эмас, умуман унинг ўзига ҳам қарши чиқа бошладилар.

Масалан, Россиялик файласуф ва ёзувчи А. Зиновьев “Аксилглобализм

векторлари” номли анжуманда сўзлаган нутқида шундай дейди. “Глобаллашув янги жаҳон урушидир. У янги типдаги жаҳон уруши. Бу урушда тирик қолишнинг қаршилиқ кўрсатишидан бошқа йўлини кўрмайман. Фақат қаршилиқ! – деган эди.”

“Аксилглобализм векторлари” анжуманидаги яна бир маърузачи А. Паршев эса глобаллашувга қуйидагича таъриф беради. “Аслида, глобаллашувнинг асосий мазмуни бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қўшимча қийматини, дунёдаги асосий захираларини ўзлаштиришдан иборат.”

“Глобаллашув”ни фақат салбий ҳодиса сифатида баҳолаш ва унга қарши туриш ижтимоий ҳаётдаги турли хил табиий, ижтимоий боғлиқликларни инкор этишга олиб келиши мумкин. Глобаллашув жараёни “мафкуралашишдан”, унинг мақсадларидан холи бўлиши керак.

1.2. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб муаммолари

Инсоният тараққиётида XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошларида кечаётган глобал жараёнлар барча ижтимоий муносабатлар тизимида ахборот-коммуникация технологияларининг жадал суръатларда ривожланиши билан белгиланади. Глобаллашув, шу жумладан, ахборотлашув ҳам инсоният тараққиётининг янги даражаси эканлиги, у индивид ва жамият ҳаёти фаолиятининг барча жабҳаларига мислсиз таъсир кўрсатиши оддий ҳақиқатга айланмоқда.

Сиёсий соҳада кучга қараганда ахборот омили тобора сезиларли аҳамият касб этиб бормоқда. Мамлакатларнинг ташқи сиёсатда эришаётган муваффақият нафақат ҳарбий қудрат ва иқтисодий салоҳият билан, балки жаҳон миқёсида кечаётган ахборот ва маданий соҳалар устидан назорат ўрнатишга қаратилган оммавий дипломатия вазифаларини таъминлаш билан белгиланиб берилади.

Ўзбекистон Президенти И.Каримов бу борада: «Юртимизга қарши

каратилган информацион хуружларга зарба бериш, биз танлаган эзгу мақсад ва муддаоларни кўролмайдиган четдаги ва ўзимиздан чиққан айрим тили бурро шоввозларни, турли ниқоблар остида ўзини ҳаммадан доно, бизга энг яқин ёрдамчи ва маслаҳатгўй қилиб кўрсатадиган, ҳатто миллий анъаналаримиз ва ҳаёт тарзимизни ўзимиздан ҳам яхшироқ билишни даъво қиладиган кимсаларнинг сохта уринишларини фош этиш ҳам халқимиз манфаатларини ҳимоя қилишнинг яна бир амалий намоёнидир», деган фикрни билдиради¹.

Замонавий илмий-техникавий инқилоб ижтимоий ҳаётнинг моддий асосларини кескин ўзгартириб юборди. Бугунги кунда халқ фаровонлигини ҳудуд ёки табиий бойликлар эмас, балки маънавий, ақлий ва ахборот салоҳияти белгилаб бермоқда.

Янги ва юксак технологияларнинг ижтимоий ҳаётга кириб келиши натижасида "ахборотлашган жамият" тушунчаси муомалага кирди. У ахборотларнинг энг янги, ижобий электрон воситалар ёрдамида тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва фойдаланишнинг комплекс индустриясига асосланади.

"Ахборот" (информация) тушунчаси кенг кўламли фалсафий-сиёсий категориядир. Хорижий сўзлар луғатида: «Информация – (лот.) хабардор бўлиш; бирор бир ҳолат ёки кимнингдир фаолияти ҳақида маълум қилувчи маълумот» деб таъриф берилади². Дастлаб, ахборот деганда маълум одамларнинг бошқа одамларга хабар, маълумот етказиши, уни алмашиш жараёни тушуниланган. Тараққиёт давомида ахборот тушунчасининг мазмуни ўзгариб борди. Ахборотни тушуниш ва унинг хусусиятларини аниқлашга илмий ёндошиш эҳтиёжи туғилди. XX асрнинг иккинчи ярмида эса, ахборот технологияларининг тараққий топиши, янги ахборот узатиш воситаларининг юзага келиши билан ахборотнинг янги қирралари пайдо бўлди. Ҳозирги кунда ахборот қайси соҳада фойдаланилаётганига қараб ўзига хос маъно касб

¹ Каримов И.А. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига. – Т. 12. Т.: Ўзбекистон. – Б. 47

² Словарь иностранных слов / гл.ред. Ф.Н.Петров. – М.: ОГИЗ Гос. Изд-во иностранных и национальных словарей, 1941. – С. 261

эта бошлади.

Россия Федерациясининг «Ахборот, ахборотлаштириш ва ахборотни ҳимоялаш ҳақидаги қонунда «Информация – тақдим қилинган шаклидан катъий назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳолатлар ва жараёнлар ҳақидаги маълумотлар» деб таъриф берилади¹.

Ахборотнинг умумий белгилари қуйидагича изоҳлаш мумкин, яъни:

- 1) мавҳумлик, ноаниқликни камайтириш;
- 2) олдин маълум бўлмаган маълумотларни етказиш;
- 3) маълум вақт оралиғида юз берган воқеа ёки ҳодисаларни, уларга доир далиллар ҳамда фактларни акс эттириш;
- 4) манфаатларни ифодалаш усули сифатида қаралаётгани хавфсизликни таъминлашда ахборот хавфсизлигини тадқиқ этиш эҳтиёжини орттиради.

Кўп йиллар давомида ахборот хавфсизлиги деганда исталган ахборот "ташувчи"даги ахборотнинг у ёки маълумотларини йўқотиш, бузиш, рухсатсиз кириш даражасини ўзгартиришга қаратилган тасодифий ёки атайин қилинган ҳаракатлар тушуниб келинди. Эндиликда эса, ахборот хавфсизлиги бирмунча кенгроқ маъно касб этади. Айниқса, халқаро муносабатларда субъектлар ўзаро муомилага киришишидан мақсад ва муддаоларини намоён этишда, манфаатларини ҳимоя қилишда ахборот имкониятларидан кенг фойдаланиши хавфсизлик масаласини кун тартибига кўяди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ахборот фақат унга эҳтиёж бўлгандагина мавжуд бўлади, яъни ҳар қандай маълумот ёки хабар уни олувчига керак бўлмаса ва уни шундай билимларга бўлган эҳтиёжини қондирмаса, у ахборот бўла олмайди. Шунинг учун ҳар қандай ахборот доимо ушбу ахборотга бўлган талабни қондиришга қаратилганлиги билан характерлидир.

Бугунги кунда "Ким информацияга эга бўлса, у дунёни бошқаради"

¹ Закон Российской Федерации «Об информации, информатизации и защите информации» // <http://www.netoscope.ru/docs/2000/07/31/22.html>

деган қоида ҳукмрон бўлиб қолди. Дарҳақиқат, жамиятимизнинг ҳар бир соҳасида ахборот хавфсизликни таъминлаш жуда мушкуллашиб бормоқда. Давлат ва жамиятнинг ахборот хавфсизлиги деб, барча ахборот тизимларининг ҳимояланганлик даражасига айтилади. Ахборот хавфсизлик худди шундай таҳдидларнинг олдини олиш ва нейтрализация қилишга кўмак беради.

Ахборот хавфсизлиги - ахборот ресурслар ва каналларнинг ҳимояланганлик даражаси ҳамда маълумотлар манбасига йўл топиш ҳолатидир. Ахборот хавфсизлиги орқали "Сўз эркинлиги" ниқоби остида жамиятимизнинг сиёсат, иқтисод, маданият, таълим, маънавий қадриятлар ва ҳоказо соҳаларига четдан ёт ғоялар, ахборот оқимларининг кириб келиши сабабли, давлат сиёсати ва манфаатига ҳамда суверентитетига путур етказишнинг олдини олишни тушуниш мумкин.

Ахборот хавфсизлиги нафақат давлатнинг ахборот ресурсларини, балки фуқароларнинг ҳуқуқлари ва жамиятнинг барча структураларини ахборот соҳада ҳимоялайди. Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлиги дегани эса шахс, жамият ва давлатнинг ўзаро мувозанатлашган умуммиллий манфаатлари хавфсизлигини ҳимояланишидир.

Россия Федерациясининг Ахборот хавфсизлиги доктринасида «Ахборот хавфсизлиги» деганда Россия Федерацияси миллий манфаатларининг шахс, жамият ва давлатнинг мувозанатланган манфаатлари мажмуини белгилаб берувчи ахборот муҳитида ҳимояланганлик даражаси тушунилади¹.

Украина президенти қошидаги Ахборотлаштириш масалалари бўйича миллий агентлик раиси ўринбосари А.Барановнинг таърифича: «Ахборот хавфсизлиги — шахс, жамият ва давлат ҳаётий муҳим миллий манфаатларининг биринчидан, ахборотнинг тўлиқсиз, кечиккан ва ишончсизлиги ёки салбий ахборот таъсирида, иккинчидан, ахборот технологияларининг салбий фаолияти, учинчидан, ахборотнинг рухсатсиз

¹ Россия федерациясининг ахборот хавфсизлик доктринаси // 200 йил 9 сентябрь. № Пр-1895

тарқатилиши натижасида етказилиши мумкин бўлган зарар кўламини минимал даражага тушириш орқали ҳимояланганлик даражаси ҳолати». Шундай қилиб, унинг фикрича, информациявий муносабатларнинг шаклланмаганлиги, сифатсиз информацияни қўллаш ва ҳ.к. натижасида зарар етказилса у ҳолда бу кимнингдир ҳуқуқ ва манфаатлари бузилганлиги, информацион хавфсизликнинг сусайганлигидан далолат беради¹.

Ахборот хавфсизлигини бир неча гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчи гуруҳ: курулларнинг янги тури бўлмиш - ахборот инсонларнинг руҳияти, онгига, жамият ва армиянинг ахборот технологик структурасига таъсир кўрсатиш кучига эга.

Иккинчи гуруҳ: ахборот техникавий хатарларни жамият, шахс , давлат учун ижтимоий янгиликларнинг кириб келиши ҳамда ахборот технологиялар ёрдамида электрон пуллар махинацияси, компьютер безорилиги ва ҳоказолар.

Учинчи гуруҳ: инсонлар ҳаёти, ижтимоий, сиёсий кайфиятлари, режалари, сиёсий бирлашма, ҳаракат, фондлар устидан электрон жиҳозлар орқали ахборотлар тўплаш.

Тўртинчи гуруҳ: янги ахборот технологияларидан сиёсий мақсадларда фойдаланиш. Ахборот тоталитаризм (экспансия, колониализм) ҳолатлари деярли барчага маълум. Оммавий ахборот воситаларининг жамият сиёсий жараёнларига ҳокимиятнинг фаолият кўрсатиш механизми ва бошқа соҳаларни ёритиб бориш вазифалари аҳамиятлидир.

Дунёдаги глобаллашув ҳодисасининг кучайиб бориши турли минтақаларда кишилар онги ва қалби учун кураш жараёнини жадаллашувига ва ахборот коммуникация тизимлари орқали муайян давлат ва халқ тафаккурига нисбатан ахборот ҳуружлари кучайишига сабаб бўлмоқда.

Ахборот ҳуружи - муайян кучлар томонидан кишилар онги ва қалбига ёт ғояларни сингдириш мақсадида уларни ҳиссиётлари, эътиқоди ва туйғуларига таъсир этишнинг мафкуравий омилларидан, шунинг-дек,

¹ Баранов А. Информационный суверенитет или информационная безопасность? // Деловая Украина. № 24, 1998 г.

турмуш тарзи ва менталитетдаги ўзгаришларни амалга ошириш учун моддий, иқтисодий, маънавий таъсир ўтказишнинг ноанъанавий ва ноҳолис муносабатларидан фойдаланиш асосида сиёсий мақсад ва муддаоларни амалга ошириш мажмуасини англатади¹.

Ҳар қандай ахборот хуружлари ахборот қуролилари орқали амалга оширилади. Россиялик мутахассис Д.Лавцов фикрича, "Ахборот қуролилари тушунчаси остида бирор халқ, миллатнинг менталитети, маданияти, маънавияти, дин ва давлатнинг ахборот технологик, ҳарбий инфраструктурасига деструктив тарзда салбий таъсир кўрсатадиган махсус дезинформацион технологик воситаларнинг муайян тизими ётади".

АҚШ армия уставида: «Информацион уруш – миллий стратегия манфаатлари йўлида ахборот устунлигига эришишга қаратилган ҳамда бир вақтнинг ўзида ўз ахбороти ва ахборот тизимларини ҳимоялаган ҳолда рақиб ахбороти ва ахборот тизимларига таъсир кўрсатиш йўллари орқали амалга ошириладиган ҳаракат», деб таъриф берилади. Айни пайтда АҚШда 3 йўналишда – қуроли кучларда, махсус хизматларда ва миллий миқёсда тайёргарлик олиб борилмоқда².

«Ахборот уруши» атамаси биринчи маротаба АҚШ ҳарбий доираларида 1991 йилда қўлланила бошланди. Мазкур масала бўйича дастлабки расмий ҳужжат АҚШ мудофаа вазирининг 1992 йил 21 декабрдаги «Ахборот уруши» номли директивасини келтириш мумкин³. Бироқ 1948 йил 18 август куни АҚШ Миллий хавфсизлик кенгашининг «Россияга қарши урушда АҚШнинг мақсадлари» деб аталган 20/1 рақамли директивани қабул қилган эди. Мазкур сана АҚШнинг СССРга нисбатан ахборот уруши бошланган сана ҳисобланади⁴.

Халқаро майдонда кечаётган мафкуравий курашларни таҳдил этиб

¹ Тохиров О., Ашурова М., Фармонкулов Б.. Ахборот хавфсизлигини таъминлашда миллий ғоянинг роли. // <http://www.iqbol.uz/cgi-bin/main.cgi?lan=u&raz=0&nom=96&id=1287>

² Широнин В. КГБ-ЦРУ. Секретные пружины перестройки. М.: Ягуар, 1997

³ Гримак Л. Информациология гипноза // Прикладная психология и психоанализ. – 2000. - №2.- С.5-14; Егоров А. Это должен знать каждый. Негативное информационно-психологическое воздействие // Журнал прикладной психологии. – 2002. - № 3. – С.52-55.

⁴ Containment. Documents of American Policy and Strategy 1945-1950. N.Y.: Ed. by T. Etcold and J. Gaddis, 1978

айтиш мумкинки, ахборот қуролларини қўллаш стратегияси фақат ҳужумкор табиатга эга. Боз устига, курашнинг қўққисдан, огоҳлантиришсиз бошланиши ва кўпинча яширин тарзда давом этиши ҳар сония ҳушёр бўлишга ундайди. Масаланинг яъна бир чигал томони шуки уммон сувини тўғон билан тўсиб бўлмагани каби дунё миқёсида тарқатилган ахборот оқимини ҳам чекловлар билан тўхтатишнинг иложи йўқ.

Ахборот ҳуружларининг энг ёвуз ва таҳликали шакли кишилар онгига ғоявий ва мафкуравий таъсир ўтказишдир. Шунинг учун ҳам юртбошимиз И.А.Каримов "Мафкуравий полигонлар ядро полигонларидан қудратлидир" деган фикрни ўртага ташлаган эди.

Ўзбекистонда жамиятимизга ёт бўлган ғояларнинг кириб келишига қарши мукаммал тизимли кураш олиб бориш мақсадида, ахборот коммуникация тизимларини такомиллаштириш ҳамда жаҳон оммавий ахборот воситаларини, интернет тизимини назорат қилиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда¹.

Маълумки, ҳар бир ахборот тизими (жумладан, инсонга ҳам) ўзаро боғлиқ бўлган уч масала – объектив борлиқни ифода этувчи ахборот ресурсини шакллантириш, ушбу ахборот ресурсини зарарли бўлган ички ва ташқи тажоввузлардан ҳимоялаш ҳамда ташқи муҳит билан ўзаро фойдали ва хавфсиз ахборот алмашинувини ташкиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, ахборот хавфсизлигини таъминлашда унинг манбааларини аниқлаш, баҳолаш ва башорат қилиш, бу борада давлат сиёсатини ишлаб чиқиш, давлат ҳокимияти органлари ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармалари фаолиятини мувофиқлаштириш мамлакат миллий манфаатларининг ахборот соҳасидаги миллий манфаатларининг кафолатли таъминланишида муҳим аҳамият касб этади.

¹ Тоҳиров О., Ашурова М., Фармонқулов Б.. Ахборот хавфсизлигини таъминлашда миллий ғоянинг роли. // <http://www.iqbol.uz/cgi-bin/main.cgi?lan=u&raz=0&nom=96&id=1287>

II БОБ. АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ АҚШ ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА

2.1. АҚШда ахборот хавфсизлигини таъминлашга тўсқинлик қилувчи омиллар

Ахборот миллий хавфсизликка тобора таъсир кўрсатувчи муҳим давлат ресурси бўлиб бораётган шароитда давлатларнинг ахборот соҳасида, яъни “ахборот уруши” билан бевосита боғлиқ масалаларни ўрганиш ва ишлаб чиқишга интилишлари ортиб бормоқда.

Бу борада АҚШ ҳарбий соҳасида ахборот ва ахборот-психологик уруш концепциясини амалга ошириш учун етарли асос яратилган ҳамда ахборот соҳасида олиб борилган қарама-қаршилик борасида ўзига хос амалий тажриба тўпланган. Шу билан биргаликда ҳарбий кучни қўлламаган ҳолган ахборот урушини олиб бориш стратегияси изчил равишда амалга оширилмоқда.

АҚШ Мудофаа вазирлигининг 1992 йил 21 декабрда “Ахборот соҳасида олиб бориладиган қарама-қаршилик” номли TS3600.1 рақамли Директивасида “душманга қарши курашиш шароитида ўз қўшинларимиз фаолияти самарадорлиги амалга ошириш мақсадида режалаштириш ва бошқарув тизими фаолиятини ташкиллаштиришда ахборот ресурсларини ҳар томонлама инобатга олиш зарур”лигига бевосита кўрсатма беради¹. Шу пайтдан бошлаб АҚШда ҳарбий илмий тадқиқот институтлари доирасида “бошқарув тизимларига қарши курашиш” борасида изланишлар олиб борилмоқда. Уларнинг асосий мақсади – “душманга қарши туриш билан бир вақтнинг ўзида мунтазам кечаётган ахборот оқимини йиғиш, қайта ишлаш ва узатиш имконияти”ни назарда тутувчи “ахборот устунлиги”ни яратишдан иборат.

¹ Леваков А.А. В США принят план защиты информационных систем // Ж. Jet Info, - №8 - 2000. – С. 12

1993 йилда Штаб бошлиқлари қўмитаси Бошқарув тизимларига қарши курашиш (БТҚК) концепциясидаги масалаларнинг барча жабҳаларини ўзида ифода этган МОР 30 меморандумини тарқатди. Бунда БТҚК рақибни ахборотдан маҳрум қилиш, ўзининг бошқарув тизимларини ҳимоя қилган ҳолда рақиб бошқарув тизимларини ишдан чиқариш ёки йўқотиш мақсадида ягона ўй ва режа асосида психологик операцияларни ўтказиш, оператив маскировка, радиоэлектрон кураш ҳамда бошқарув пунктлари ва алоқа тизимларини жисмонан йўқ қилишга қаратилган чора тадбирлар сифатида таърифланади¹.

1994 йилда АҚШ Мудофаа вазирлигининг Фан қўмитаси миллий ахборот инфратузилмаси хавфсизлиги масалаларига бағишланган иккита махсус докладни нашрдан чиқарди. Унда ҳимоянинг махсус ташкилий-техникавий чора тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда тегишли маблағлар ажратиш борасида тавсиялар келтирилган.

1996 йил февраль ойида АҚШ Армияси дала уставининг жанг майдонида куруқлик қўшинлари томонидан ахборот урушини олиб боришга қаратилган “Ахборот операциялари” FM 106 янги наشري жорий этилди. Унда “Ахборот операциялари”га “бир вақтнинг ўзида ўз ахбороти ва ахборот тизимларини ҳимоя қилиш ҳамда душман ахбороти ва ахборот тизимларига қарши қаратилган фаолият” сифатида таъриф берилади. Бунда ҳужумкор ахборот операциялари оператив маскировка, радиоэлектрон кураш, ахборот бошқарув тизимларига дастурий-математик таъсир кўрсатишни ягона ғоя ва режа асосида амалга ошириш, ахборот инфратузилмаси объектларини ишдан чиқариш ҳамда психологик ва махсус ахборот операцияларини барбод қилишни назарда тутди².

Штаб бошлиқлари қўмитасининг ягона устави “Ахборот операцияларини амалга ошириш бўйича умумий ҳатти-ҳаракатлар доктринаси”да ахборот кураши концепцияси янада ривожлантирилди.

¹ Жуков В. Взгляды военного руководства США на ведение информационной войны // Зарубежное военное обозрение, №1, 2001. – С. 47

² Леваков А.А. В США принят план защиты информационных систем // Ж. Jet Info, - №8 - 2000. – С. 12

Хусусан, 1999 йил 27 август куни тасдиқланган AFDD 2-5.3 рақамли “АҚШ Ҳарбий ҳаво кучлари психологик операциялари доктринаси”да душманнинг йирик қўшинларига нисбатан ҳаво операцияларини режалаштириш ва тайёрлашда америка қўшинлари қўмондонлигига қуйидагилар тавсия этилади:

- Ҳарбий ҳаво кучлари фаолиятларининг ҳам ҳарбий тайёргарлик чоғида, ҳам ҳаво операцияларини режалаштириш ва амалга ошириш чоғида психологик жиҳатларига алоҳида эътибор бериш;

- Истикболдаги операциялар душман қўшинлари узоқ муддатли ва психологик самарали ҳаво зарбалари учун қулай объектга айланишига олиб келувчи шаклда режалаштирилган бўлиши лозим;

- Душман шахсий таркиби руҳий-психологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатиш мақсадида Ҳарбий ҳаво кучлари режалаштириш органи таркибига психологик операциялар бўйича мутахассисларни жалб этиш;

- Психологик таъсир даражасини ошириш мақсадида операция мазмунидан фойдаланиш¹.

Умуман олганда психологик операцияларни ўтказиш бўйича АҚШ мутахассислари душман ҳарбий-сиёсий раҳбарияти, қуролли кучлар шахсий таркиби ва аҳолисига руҳий-психологик таъсир кўрсатишнинг муҳим воситаси сифатида ҳаво бомбардировкаларини қўллашни тавсия қиладилар.

Айни пайтда АҚШда ахборот, телекоммуникация, ҳисоблаш ва кадрлар ресурсларини «матрица» шаклида ташкил қилиш тамойили тобора ривожлантирилиб бормоқда. Унда ўзгарувчан мураккаб вазиятда юзага келувчи масалаларни ҳал этишга қаратилган «виртуал ташкилотлар» манфаатлари йўлида ўзгарувчан, хавфсиз ва марказлашган тақсимот амалга оширилади. Бу борада Пентагон 2020 йилгача АҚШ Қуролли кучлари ривожланишининг ягона концепциясига биноан дунёнинг исталган нуқтасида ҳаракатчан ва компакт гуруҳларни реал воқеликда бошқаришни назарда тутувчи Глобал ахборот матрицасини (Global Information Grid)

¹ Гахов А. Психологические аспекты применения авиации в современных условиях // Зарубежное военное обозрение, - №11 - 2004. – С. 39-40

ташқил қилади. Маълумотларга кўра, лойиҳани молиялаштириш катта маблағни, масалан, алоқани ўрнатиш – 24 млрд. АҚШ долл.ни, ахборотни шифрлаш – 5 млрд. АҚШ долл.ни, янги рациялар 25 млрд. АҚШ долл.ни, разведка, кузатиш, аниқлаш ва коммуникация спутник тизимлари 10 млрд. АҚШ долл.ни, ҳарбий тармоқлар учун дастурий таъминотнинг аппарат қисми 200 млрд. АҚШ долл.ни талаб этади¹. Маблағлар сарф-харажати кўламининг катталиги мазкур лойиҳани амалга ошириш борасида айрим шубҳаларни ҳам уйғотмоқда. Хусусан, ушбу технологиялар учун қўлланилишни унификациялаш, қуролли кучларнинг барча турлари учун ягона стандарт ва тилни қабул қилиш масалалари ҳам шубҳа остига олинмоқда. Шунга қарамай мутахассисларнинг фикрича ҳарбий соҳада ахборот технологияларини молиялаштириш мунтазам равишда ўсиб боради.

Ахборот ресурслари тақсимлашни ташкиллаштириш борасида «матрица» ёндошувига яна бир мисол Миллий хавфсизлик агентлигининг «Эшелон» тизими орқали эфир ва телекоммуникация тармоқларидан қўлга киритилган маълумотларни қайта ишловчи ҳисоблаш ресурслари тақчиллигини ҳал этиш мақсадида амалга оширилган “GroundBreaker” лойиҳасини келтириш мумкин².

АҚШ айғокчилик ҳамжамияти доирасида тезкор таҳлил қилиш ҳамда кескин вазиятларда қарорлар қабул қилиш мақсадида «Генуя» лойиҳаси доирасида «виртуал таҳлилий муҳит» ишлаб чиқилмоқда³.

Шу билан бирга АҚШда ҳарбий ҳатти-ҳаракатлар билан биргаликда ахборот-психологик операциялар олиб бориш амалиёти тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Бунда ахборот технологияларининг тизимли асосда қўлланилиши биринчи маротаба 1991 йил Форс кўрфазида амалий ҳатти-ҳаракатлар билан биргаликда амалга оширилган эди. Ҳарбий амалиётлар Ироқ ахборот тизимлари – радио, компьютер алоқа, инфратузилма элементлари, транспорт коммуникациялари ва ҳ.к.ни йўқ қилиш билан биргаликда олиб борилди.

¹ Шишкин Г. В войнах будущего главное компьютер, а не танк // Эхо планеты, - №5 - 2005. – С. 8-9

² Леваков А.А. Анатомия информационной безопасности США // Jet Info, - №6 - 2002. – С. 27

³ Ўша жойда.

Ҳарбий ҳатти-ҳаракатлар бошланишидан бир неча ҳафта аввал МРБнинг махсус ўқитилган айғокчилари Бағдодда портатив компьютерлар воситасида керакли кун ва керакли соатда телефон станциялари ва радиолокацион постларни ўчириш мақсадида “вирус файллари” дастурларини тегишли тизимларга киритадилар. Урушнинг биринчи кунидаяк Ҳарбий ҳаво кучлари учун қулай шароит – Ироқ Ҳарбий ҳаво ҳужумига қарши тизими издан чиқарилганлигини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, Ироқ Ҳарбий ҳаво кучлари «Мираж» кировчи самолётлари ҳам айнан шу сабабларга кўра ҳужумни бартараф этиувчи борт радиолокацион тизимини ишга тушира олмаганлар. Бу эса иттифоқчилар кўшинларига урушнинг биринчи бир неча соати ичида Ироқнинг Ҳарбий ҳаво ҳужумига қарши тизимининг асосий объектларини йўқотишга ва 10 кундан сўнг эса осмонда устунликни қўлга киритишга олиб келди¹. Шуниси ҳам диққатга сазоворки, “Сахродаги бўрон” операцияси негизида олиб борилган руҳий-психологик таъсир кўрсатиш оқибатида Ироқ армияси шахсий таркибининг 40%и Қувайт ҳудудига қочиб ўтади².

Шунингдек, АҚШ ижтимоий муҳити телевидение орқали “шакллантирилди”. Бу – воқеа жойидан тўғридан-тўғри намоиш этилган биринчи уруш бўлиб, воқеаларни телевидение орқали тўғридан-тўғри томоша қилган аҳоли олиб борилаётган ҳарбий ҳатти-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашига туртки бўлди. Ахборот-психологик фаолиятнинг самарадорлиги натижаси сифатида ўша пайтда АҚШ аҳолисининг 80%и Джордж Буш сиёсатини қўллаб-қувватлади.

Ўз навбатида Ироқ ҳам ҳатти-ҳаракатлар олиб борганлигини кузатиш мумкин. Ироқ ахборот-психологик фаолиятида арабпарастлик ҳамда ғарб таъсирини минтақадан чиқариб юбориш гояларидан фойдаланди. Қувайтга нисбатан тарғибот 3 йўналишда олиб борилди: биринчидан, Қувайт Ироқни алдаган ҳолда Ироқ нефтини ўзлаштирганлиги; иккинчидан, Қувайт тарихан

¹ Леваков А.А. Анатомия информационной безопасности США // Jet Info, - №6 - 2002. – С. 28

² Гахов А. Психологические аспекты применения авиации в современных условиях // Зарубежное военное обозрение, - №11 - 2004. – С. 41

Ироқнинг бир қисми бўлганлиги; учинчидан, уруш – бу ароқ ичувчи, ҳаром нарсаларни егувчи ва фоҳишаликдан фойдаланувчи хорижий босқинчиларга нисбатан жиҳод эканлиги.

Умуман олганда, “онгни бошқаришга қаратилган чора-тадбирлар” турли аудиторияларга ахборот-психологик таъсир кўрсатиш акцияларини – оммавий дипломатия (Public Diplomacy), хорижий аудиторияларга хабар етказиш (Public Information), рақибни чалғитиш (Deception), махфий операцияларни (Covert Action) камраб олади. 2001 йил 11 сентябр воқеаларидан сўнг АҚШ жаҳон ижтимоий онгига ахборот-психологик таъсир кўрсатиш мақсадида чора-тадбирларни амалга оширувчи куч ва воситаларни ривожлантиришга жадал киришди.

Стратегик таъсир кўрсатиш бўлими сиёсатини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган ҳарбий бўлинмалардан бири – АҚШ армиясининг психологик операциялар ўтказувчи команда (the U.S. Army’s Psychological Operations Command - PSYOPS) ҳисобланади.

Унга биноан ахборот ташкилотлари тизимида мазкур бўлинма ҳарбийларининг бўлиши истисно қилинмайди. Хусусан, 2000 йил феврал ойида PSYOPS 4-гуруҳ ҳарбийлари CNNнинг Атлантадаги штаб-квартираси ахборот бўлимида «интерн» (an «internship» program) дастури қисми сифатида иштирок этадилар¹.

Бугунги кунда хорижда мамлакат ва унинг ҳарбий фаолияти тўғрисида ижобий ва мақбул образини яратиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш АҚШ ҳукумати таркибидаги глобал коммуникация бошқармаси (Office of Global Communications) зиммасига юклатилган. Ахборот соҳасида Пентагон фаолияти ва Давлат департаментининг ижтимоий дипломатиясини Миллий хавфсизлик кенгашининг сиёсий гуруҳи (US National Security Council Policy Group) мувофиқлаштириб боради. Ушбу ташкилотлар биргаликда стратегик аҳамият касб этувчи “таъсирчанликни бошқариш чора-тадбирлари” вазифаларини ҳал этувчи ягона мувофиқлаштирилган ва яхши

¹ Пропагандистский план Пентагона недемократичен // Eurasia-geopolitics, <http://www.fair.org> 19.02.02г.

молиялаштириладиган тизимни ташкил қилади. Расмий маълумотларга кўра фақат Яқин Шарқ бўлимининг бюджети йилига 750 млн. АҚШ долл.ни ташкил этади¹.

Шу билан бирга АҚШда ахборот қарама-қаршилиги фаолияти фақат ҳарбий ўлчам билан чекланиб қолмайди. Бугунги кунда ахборот инқилобидаги кескин ривожланиш билан боғлиқ бўлган, бошқа соҳаларни, биринчи навбатда, иқтисодиётни, қамраб олувчи ҳамда узок муддат давом этувчи стратегик қарама-қаршиликнинг тубдан фарқ қилувчи янги шакли фаол равишда жорий этилмоқда. Стратегик ахборот қарама-қаршилигини олиб бориш ёндошувлари иккинчи авлодининг ривожланиши ва такомиллашиши истиқболда ҳарбий кучдан фойдаланишни бекор қилинишига олиб келиши мумкин. Зеро, мувофиқлаштирилган ахборот акциялари ушбу қатъий чораларга зарурят қолдирмайди. Бунда қарама-қаршиликнинг иккинчи авлодини бирор-бир шаклга солиш ҳозирча мураккаблигича қолмоқда ва унинг истиқболини таҳлил қилиш услублари тўлиқлигича ишлаб чиқилмаган².

Хусусан, АҚШ президентининг 1999 йил 30 январдаги PDD-68 рақамли директиваси асосида International Public Information Group (IPI) деб аталмиш янги тузилма жорий этилди. “Хорижий ҳукуматлар, ташкилотлар ва айрим шахслар эҳтиросларига, ҳатти-ҳаракатларига, фаолиятига” таъсир кўрсатиш мақсадида олинган маълумотлардан устамона фойдаланиш ушбу ташкилотнинг вазифаси этиб белгиланган. Мазкур ташкилотнинг тузилишига МРБ сезиларли ҳисса қўшди. Шундан қилиб, америкалик мутахассислар яқин келажакда ахборот курашида етакчи устунликларга эга бўлиш ва ўз навбатида можароли вазиятларда қуролли аралашувларсиз ўз фойдаларига ҳал қилиш имкониятини қўлга киритишлари мумкинлигини таъкидлайдилар³.

¹ Гахов А. Психологические аспекты применения авиации в современных условиях // Зарубежное военное обозрение, - №11 - 2004. – С. 34

² Гриняев С. Взгляды военных экспертов США на ведение информационного противоборства // Зарубежное военное обозрение, №8, 2001. – С. 54

³ Ўша жойда.

Масалан, Д.Сорос томонидан Европа ва Осиё-Тинч океани минтақасидаги айрим давлатлар молиявий тизимларига ахборот хуружини амалга оширишда ижтимоий фикр орқали халқаро инвесторлар психикасига таъсир кўрсатиш технологиялари қўлланилди. Бунда таъсир кўрсатиш объекти – мамлакат иқтисодиёти муаммолари ҳақида ишончсиз маълумотлар тарқатилди.

Бундан ташқари тадқиқотчилар АҚШнинг Югославия, Грузия ва Украинадаги сиёсий тўнтаришларга тааллуқли эканликлари ҳақида ҳам фикр билдирадилар¹. Бунда мамлакат президентлигига ўз вакиллари номзодларини илгари суриш мақсадида кучли ахборот босими ўтказадилар.

Шу билан бирга замонавий технологияларга асосланган глобал иқтисодий лидерлик масалаларини ҳал қилувчи давлат ахборот тизимларидаги улкан ресурсларнинг кенг қўламда қўлланилишини ҳам кўришимиз мумкин. Натижада АҚШ бизнеси катта имкониятларга эга энг янги ахборот-иқтисодий қуролни қўлга киритди.

Бунда компьютерлар тезлиги ва ҳажми ҳамда алоқа каналлари ўтказиш имкониятлари ўсиши тенденцияси 2023 йилга келиб на фақат давлат, балки ҳар қандай йирик ташкилот АҚШнинг барча аҳолисини (330 млн. киши) мониторинг қила олиш имкониятига олиб келади. Натижада бундай мониторинг ялпи назорат қилиб бўлмайдиган ахборот макони Интернет мавжудлигини йўқотиши мумкин.

Компьютер технологиялари асосида маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашни қўллашдан келадиган фойдага қарамай АҚШ Сенати “Ялпи ахборот хабардорлиги” лойиҳасини амалга татбиқ этишдан аввал Пентагон мониторинг дастурини амалга ошириш махфийлик ҳуқуқини бузмаслиги борасида асослар келтиришни талаб қилди².

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, сезиларли равишда янги радиоэлектрон тизимлар ва компьютер технологияларини ишлаб чиқариш ва

¹ Трейнор И. За беспорядками в Киеве стоят американцы // "The Guardian", Великобритания // inosmi.ru Все о выборах на Украине. 26.11.04г.

² Роговский Е.А. Распространение Int-технологий в США // США* Канада, №12, 2004. – С. 110

қўллаш имкониятига эга ҳамда ахборот урушини олиб бориш концепцияларига асосланган АҚШ нафақат сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий соҳаларда, балки жаҳон ахборот инфратузилмаси соҳасида ҳам етакчилик ролини сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқда. Бунда АҚШ Қуролли кучларида нисбатан бой ва мунтазам равишда такомиллаштирилиб бориладиган ахборот урушини олиб бориш методлари, бир томондан, ўтмишда ўзининг ижобий томонларини кўрсатган, бошқа томондан эса, бугунги кунда душманга оператив ва жанговар таъсир кўрсатишнинг янги услубларини ташкил қилади.

Шу билан бирга, ҳарбий хатти-ҳаракатлар билан биргаликда ахборот урушини олиб боришнинг асосий жиҳатлари яқин келажакда устивор аҳамият касб этади. Сиёсий ва иқтисодий соҳаларда устунликка эришиш ва уни таъминлашда ахборотдан фойдаланиш тенденцияси нафақат назарий жиҳатдан ривожланиши, балки ўзининг амалий қўлланилиш соҳаларини кенгайтиради. Бу эса ривожланаётган давлатлар истиқболда ўзларига нисбатан кўрсатиладиган ахборот таъсирига тайёр туришларини тақозо этади.

2.2. АҚШ ташқи сиёсий стратегиясида ахборот хавфсизлиги масалаларининг акс этиши

Ахборот уруши атама сифатида 1991 йили АҚШ ҳарбийлари томонидан қўлланила бошланди. АҚШ Мудофаа вазирлиги ахборот қўшинлари директорати ахборот урушини бир вақтнинг ўзида ўз ахбороти ва ахборот тизимларини мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилган ҳолда душман ахборот ва ахборот тизимларига таъсир кўрсатиш орқали миллий ҳарбий стратегиянинг таъминланишида ахборот устунлигига эришишга қаратилган ҳаракат сифатида баҳолайди¹.

¹ Почепцов Г.Г. Информационные войны. – М.: «Рефл-бук», - К.: «Ваклер», 2001. – С. 17

Айни пайтда ахборот урушига нисбатан турли хил талқин ва ёндошувлар мавжуд. Масалан, таърифлардан бирида ахборот уруши рақиблар, душманларнинг ўз мақсадларига эришиш йўлида замонавий ахборот технологияларидан тинчлик даврида, кризис пайтида, конфликтлар, урушлар, тинчликнинг тикланиши пайтида олиб бориловчи стратегия, операция, тактик ҳаракатлар сифатида талқин этилади.

Айни ҳолатда ўта кенг таъриф берилганлигини, яъни кишилиқ фаолиятининг деярли барча соҳалари қамраб олинганлигини айтиб ўтиш ўринли. Бошқа пайтда эса ахборот урушига нисбатан берилган таъриф ўта чекланган бўлиб, унинг тор аспектини, яъни, масалан, ахборот уруши фақат компьютер жинойтларидан иборат эканлигини билдиради¹.

АҚШ ахборот урушлари масалаларини назарий жиҳатдан мушоҳада этиб, унда когнитив, структур, стратегик, юридик ва алармистик йўналишлар мавжудлигини таъкидлаш ўринли. Россияда эса ахборот урушлари деганда, асосан, техник, психологик, психотроп, юридик ва алармистик ёндошувлар кўзга ташланади. Когнитив йўналиш доирасида (Дж.Стейн, Р.Шафранский) мушоҳада борасида муайян инсон, психологик тафаккур (Крысько В.Г.) борасида эса оммавий онги асосий мақсад сифатида белгилаб олинади.

Стратегик йўналиш муҳим вазифаларни белгилаб олиш билан бевосита боғлиқ. Бунда ахборот хавфсизлиги ахборот макони бошқа маконлар сингари реал воқеликка хос ва шу боис ҳам ўзининг, ҳам рақиб ахборот майдонини бошқариш методларини ишлаб чиқиш зарур деган мафкурага таянади. Ахборот урушида қуйидаги асосий вазифалар белгилаб олинади:

- таҳдид ёки заиф нуқта тушунчасини кенгайтириш;
- ахборот қарама-қаршилиги стратегиясини ривожлантириш;
- кенг қамровли стратегия тамойили асосида муҳофаа қилиш;
- ахборот уруши олиб бориш имкониятларини яхшилаш;
- ахборот хуружига нисбатан жавоб чораларини ривожлантириш.

¹ Айдакиева А. Информационные войны в современной Центральной Азии // Источник www.tollsty.ru 20.06.2008

Алармистик йўналиш (alarm – инг. тревога, сигнал) жамоатчилик эътиборини замонавий ахборот урушининг ҳаёлий ёки реал таҳдидига қаратиш билан боғлиқ йўналиш ҳисобланади. Шу билан бирга ахборот уруши билан боғлиқ масаланинг моҳиятини тўлиқ англаш учун у қандай воситалардан, яъни ахборот қуролидан фойдаланишини ва унинг қаерда қўлланилиши мумкинлиги кўриб чиқиши лозим. Ахборот уруши ҳам уруш пайтида, ҳам тинчлик даврида, ҳам давлат (дипломатик, иқтисодий, ахборот, махсус ва бошқа куч ва воситалардан), ҳам ҳарбий даражада (ҳарбий бошқаруви тизимларига қарши куч ва воситалар орқали кураш) олиб борилиши мумкин.

Ахборот қуролини мамлакат ичкарасида, хусусан ҳокимият учун курашишда, сепаратистик ва миллатлараро конфликтларда ҳам қўллаш мумкин. Ахборот тизимларига террористик ва жиноий мақсадларда қўлланилиши қатор салбий оқибатларни юзага келтириши мумкин. Масалан, 2004 йил март ойида АҚШдаги «БП Амоко» компаниясининг Техас-Сити шаҳридаги (Техас штати) нефтни қайта ишлаш заводида юзага келган ёнғин нефтга нисбатан биржа нархларнинг кескин ошиб кетиши юзасидан олиб борилган тергов натижасида Интернет тармоғи орқали нефтни тозалаш иншооти технологик режимининг яширин равишда масофадан ўзгартирилиши оқибатида содир бўлганлиги маълум бўлди¹.

Назарий жиҳатдан ҳар қандай ахборот уруши бири бирига боғлиқ 3 босқичдан иборат бўлади. Биринчи босқичда душман дунёқарашининг эски модели яқсон қилинади ва келгуси босқич учун зарур бўлган макон барпо этилади. Сўнгра эски моделга нисбатан янги маълумотлар, одатда қарама қарши бўлган, келтирилади. Сўнгги босқичда эса янги объектлар ҳақида маълумотлар киритиш амалга оширилади. Бундай чизма ахборотни киритиш орқали истеъмолчи дунёқарашидagi дунё модели ўзгартирилганлиги сабабли янги ахборотга таянувчи феъл-атворнинг янги шакли юзага келишига олиб келади.

¹ Корнеев А.В. Топливо-энергетический комплекс США: проблемы безопасности // Ж. США*Канада, - №8 - 2004. – С. 45

Рақиб ахборот маконининг хусусиятлари ахборот урушида қандай услубларни қўллаш зарурлигини кўрсатиб беради. Масалан, ОАВдан, яъни ОАВ ва журналистлардан ўз манфаатларида йўлида фойдаланиш. Компроматлар уруши, ахборотнинг ёйилиб кетиши, дезинформация, ахборотни бевосита қўлга киритиш шулар жумласидандир. Самарали услублардан яна бири – бу миш-мишлар ҳисобланади.

Бундай ҳолатларнинг мавжудлиги аҳоли ОАВ орқали ўзига керакли бўлган маълумотларни ололмаётганлигидан далолат беради. Ахборот уруши масаласи тарихи бу ҳолатнинг янги эмаслигидан далолат беради. Масалан, душманга ёлғон маълумот юбориш (дезинформация) жанг майдонида муайян устунликлар ёки ғалабада фойда олиш мақсадида тўқнашувлардан олдин махсус амалга оширилган.

Дезинформация миш-мишлар тарқатиш ёки ахборотнинг “тасодифан” ошкор бўлиб кетиши орқали амалга оширилган. Бу борада дипломатик фаолиятда қўлланилувчи услублардан ҳам фойдаланилади. Ахборотни чекланмаган узоқ масофага узатиш имкониятини яратиб берган техника (телеграф, радио) тараққиёти оммавий коммуникация воситаларини қўллаш орқали ахборот хуружини амалга ошириш имкониятини янги босқичга кўтарди. Ташкиллаштирилган ахборот таъсири биринчи жаҳон уруши даврида, биринчи навбатда Буюк Британия, АҚШ, Франция, Италия каби мамлакатлар ҳукуматлари томонидан психологик операцияларни олиб борувчи тузилмалар тузиш орқали амалга оширила бошланди¹.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг “Совуқ уруш” номини олган социалистик ва капиталистик тизимлар қарама-қаршилиги матбуот, радио- ва телеэфир орқали олиб борилди. Натижада инсоният тарихида бошқача атама – “мафкуравий уруш” номи билан қўлланилувчи яна бир ахборот уруши пайдо бўлди.

Коммуникатив каналнинг нооқилона қўлланилиши АҚШнинг Вьетнам урушида, Россиянинг эса Чечен урушида информацион мағлубиятга олиб

¹ Айдакиева А. Информационные войны в современной Центральной Азии // Источник www.tollsty.ru 20.06.2008

келди¹. Ҳарбий ҳаракатларни режалаштириш ва амалга оширишда ОАВнинг қўлланилиши ҳарбийлар томонидан кескин назорат остига олинди. Шу боис ОАВ “ахборот уруши”нинг легитим қуроли сифатида эътироф этила бошланди.

Аксарият ҳолларда санъаткорона ахборот таъсирида ахборот ҳужуми объекти босим остига тушиб қолганини ўзи ҳам билмайди. Унинг фикрича барча қарорларни ўзи мустақил ва ўз хоҳиши билан амалга оширган. Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак ижтимоий фикрнинг шаклланишига, мамлакатда сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатилишида ОАВнинг аҳамияти жуда катта. Одатда, журналистлардан айти пайтда керакли бўлган мақсадлар йўлида фойдаланилади. Шундай қилиб, ОАВ нафқат жамиятни бўлаётган реал воқеалардан огоҳ қилиб туради, балки воқеликларни ахборот уруши манфаатлари йўлида талқин этади.

Ахборот технологияларининг мунтазам равишда ривожланиб бориши ҳамда қарама-қарши турган томонларнинг ҳужум ва мудофаада бўлишлари самарали муҳофазани таъминлаб бера олмайди. Ушбу ҳолат қуйидагилар билан изоҳланади:

- микросхемалар тезлигининг ортиб бориши, ЭҲМ технологияларининг шиддат билан ривожланиши “қатъий куч” воситасида авваллари амалга ошириб бўлмайдиган тўсиқларни (биринчи навбатда, криптографик тўсиқларни) ошиб ўтиш имкониятини беради (масалан, АҚШ МХАнинг “Қўшчи” (GroundBreaker) лойиҳаси);

- тармоқларнинг ривожланиши, ахборот тизимлари ўртасида алоқалар сонининг ортиши, каналларнинг ўтказиш суръатларининг ортиб бориши техник жиҳатдан ҳужум қилиш имкониятига эга ёвуз ниятдаги шахслар сонининг ортиб боришига олиб келади;

- янги ахборот сервисларининг пайдо бўлиши ҳам сервислар “ичида” ҳам уларнинг туташган жойида янги таҳдидларнинг юзага келтиради;

- дастурий таъминот ишлаб чиқарувчилари ўртасидаги рақобат ишлаб

¹ Грабельников Г.Г. Массовая информация в России: от первой газеты до информационного общества. – М.: изд. Российского университета дружбы народов, 2001. – С. 201-202

чиқариш муддатларини қисқартириш талабини олдинга олиб чиқиб, синов сифатининг тушиши ҳамда муҳофаза борасида маҳсулотнинг дефектлар билан чиқаришга олиб келмоқда;

- истеъмолчиларга мунтазам равишда аппарат ва дастурий таъминот парадигмасининг мажбуран етказилиши бюджет чекловлари билан ихтилофга олиб келиб, хавфсизлик учун ажратилган маблағларнинг чекланишига олиб келади.

Бу борада қуйидаги ахборот қуролларини санаб ўтиш мумкин:

Компьютер вируслари - «чувалчанглар» компьютер тизимларининг дастурий таъминотини ишдан чиқарадилар. Улар кўпайишлари, дастурлар ичига кириб олишлари, алоқа ва маълумотларни узатиш тармоқлари орқали ўтишлари, бошқарув тизимини ишдан чиқаришлари мумкин.

“Троя оти” – дастур ичида бошқа дастурга ўхшаб фаолият олиб боровчи код фрагменти. Аслида “Троя оти” кириб олган ерда тизимнинг назик ерларини аниқлайди ва бу ҳақда ташқаридаги субъектларга (дастур тузувчи, хакер, бузғунчи) хабар беради. Яхши тузилган “Троя оти” дастури ҳеч қандай зарар етказмаганлиги сабабли ўз мавжудлиги борасида ҳеч қандай маълумот қолдирмайди ва уни тизимда аниқлаб олиш қийин кечади.

Мантикий бомба – бу “Троя оти” туридан бўлиб, белгиланган вақтда ёки четдан сигнал келиши орқали дастурдаги «чувалчанг» вирусларни ишга туширишни амалга ошириш мақсадида четдан киритилувчи дастур.

Хакерлар томонидан ўзлаштирилган ҳужумнинг нисбатан янги услуби хизмат кўрсатувчи компьютерлаштирилган тизимлар фаолиятини тўхтатиб қўювчи ҳатти-ҳаракат. Маълумотларга кўра 2001 йилда бундай ҳужумларни Yahoo, eBay, Amazon.com ва бошқа шу каби йирик тижорат он-лайн корпорациялари ҳам қайтара олмаганлар¹.

Трэпдор (ингл. trapdoor – «туйнук») – дастур тузувчига дастур сотилганидан ёки тарқатилганидан сўнг тизимга кириш имкониятини берувчи мақсадли равишда яратилган механизм. Масалан, АҚШда ушбу

¹ Роговский Е.А. Кибербезопасность и кибертерроризм // США * Канада, - №8 - 2003. – С. 32

механизмга эга маълум бир дастурлар сотилиши мумкин. Бундай дастурлар керакли пайтда ёки можароли вазиятда рақиб тизимига унинг ахборот мажмуидан фойдаланиш мақсадида кириш имконини беради.

Чиплар – компьютерлар учун чиплар ишлаб чиқарувчилар ахборот уруши олиб бориш пайтида фойдали бўлиши мумкин бўлган махсус функцияларни киритишлари мумкин. Масалан, чипнинг муайян вақтдан сўнг ишлашдан тўхташи, портлаб кетиши ёки компьютер жойини аниқлаш имконини берувчи радиосигналнинг таратиши каби. Бундай чиплардан зарур бўлган ҳолларда ишдан чиқариш ёки бузиш мақсадида замонавий ҳарбий курулларга ҳам киритилади.

Нано-машиналар – рақиб компьютерига зарар етказа олиш имкониятига эга ташқаридан киритилувчи мини-роботлар. Масалан, электр сими йўлакларида қисқа туташув ҳосил қилиш ёки ЭХМ платаларига зарар етказиш орқали.

Бундан ташқари буларга телекоммуникация тармоқларида ахборот алмашинувига тўсқинлик қилишнинг турли воситалари, давлат ва ҳарбий бошқарув каналларида ахборотни сохталаштириш, объектнинг дастурий таъминотига айғоқчи томонидан онгли равишда киритиладиган турли хилдаги хатоларни ҳам киритиш мумкин. Мазкур ҳолатда асосий мақсад сифатида компьютер, дастурий таъминот ва инсон бўлиши мумкин.

Ахборот қуроли ўз мақсадига биноан мудофавий ва ҳужумкор турларга ажратилади. Мудофавий ахборот қуроли мудофавий ахборот уруши вазифаларини ҳал қилади ва кўп даражали компьютер хавфсизлиги тизимларини ҳамда душман ахборот қуролига фаол қарши турувчи (жумладан салбий ахборот оқимларини бартараф этувчи) турли тизимлардан иборат. Ҳужумкор ахборот қуроли душманга унинг энг нозик тузилмаларига – қарорлар қабул қилиш даврасини таъминловчи тизимларига зарар етказиш орқали таъсир кўрсатишда қўлланилади. Россиялик олим И.Ю.Алексеева қуйидаги ахборот қуроли шакли ва турларини келтиради¹:

¹ Алексеева И.Ю. и др. Информационные вызовы национальной и международной безопасности / Под общ.

- электромагнит спектрда нур таратувчи жихозлари аниқ жойлашган ерларини билдирувчи жихозлар;
- юқори даражада ўзи мўлжал олувчи ўқ ва снарядлар, жумладан ихтисослашган қанотли ракеталар ва жанговар учувчисиз учар аппаратлар;
- юқори кучланишли радиоэлектрон босим кўрсатиш воситалари, катта кучланишдаги ўта юқори частоталик генераторлар, электр тармоғи орқали кучланишли таъсир кўрсатиш воситалари;
- ер ва ҳавода жойлашган бир маротаба қўлланилувчи тўсқинлик қилувчи радио-электрон воситалар;
- инсон психикасига таъсир кўрсатувчи нурланиш таратувчи махсус генераторлар.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, АҚШда ахборот урушининг назарий жиҳатлари ривожланган асосга эга. Тушунчанинг кенгайишида қуроолларнинг янги турлари ва техникавий тараққиёт авж олиши асосий ўринни эгаллайди. Бу эса маълум масалаларни талқин этишда турли таърифлар берилишига олиб келмоқда. Ахборот таъсири имкониятларининг ортиб бориши ахборот қуроли ва янги технологияларнинг ишлаб чиқиши билан боғлиқ бўлиб, юзага келаётган хавф ва таҳдидларни мунтазам равишда ва тизимли асосда кузатиб боришни тақозо этади. Хусусан, АҚШда ахборот тадқиқотлари йўналишида мингга яқин ишлар ёқланмоқда, тадқиқотларнинг учдан икки қисми кибер хавфсизлик масалаларига бағишланиб, уларнинг муаллифлари ўз ишларини нафақат назарий ишларда, балки амалий йўналишларда ўз фаолиятларини давом эттирмоқдалар¹.

Бундан ташқари жаҳон ҳамжамияти ўртасида ахборот хавфсизлиги атамаси ва уни таъминлаш борасида ягона ёндошувни ишлаб чиқиш керак бўлади. Мазкур масалани ҳал этишда АҚШда тқрли тармоқ мутахассислари жалб этилиб, ушбу йўналиш ривожига ҳисса қўшишмоқда. Бунда АҚШ ҳукумати асосий стратегик вазифани бажаришга – стагнацияга тушиб қолмаслик ва ахборот хуружига нисбатан ожиз бўлиб қолмасликка интилади.

2.3. АҚШнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги сиёсати истикболлари

Жаҳонда ахборот ва телекоммуникация инфратузилмаси ривожланган мамлакатлардан бири бўлган АҚШ тажрибаси миллий манфаатлар негизида ахборот хавфсизлигини барча соҳаларда таъминлаш борасида олиб бораётган фаолияти тажрибасини ўрганиш муҳим вазифалардан бири саналади.

Инсоният тарихида илмий-техникавий тараққиёт доимо муҳим аҳамият касб этиб келган. Бироқ, ушбу жараён акс таъсирга ҳам эга. Ахборот технологияларининг ривожланиши ҳар бир мамлакат миллий хавфсизлиги масалаларини қайта мушоҳада этиш, жамият урф-одат ва қадриятларини муҳофаза этишнинг янги моделларини ишлаб чиқиш ва, ўз навбатида, хавфсизликнинг янги соҳаси – ахборот хавфсизлиги масалаларини ҳар томонлама ўрганиш заруриятини олдинга олиб чиқади.

90-йилларнинг охирларида АҚШ расмий доираларида миллий ахборот ресурсларининг муҳофаза қилинганлиги масаласи долзарб масалалар сирасига кўтарилди. Мудофаа вазирлиги, қуrollи кучлар ва бирлашган кўмондонликда ҳамда МРБ ва ахборот билан ишловчи бошқа ташкилотларда ахборот хавфсизлиги марказларининг тузилганлиги ва уларнинг фаолият олиб бориши, ташкилотлар доирасида тегишли меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилинганлигига қарамай ушбу масалани миллий даражада ҳал этиш ягона концепцияси ишлаб чиқилмаган. Шу муносабат билан 2000 йилларнинг бошларида “Ахборот тизимларини муҳофаза қилиш миллий дастури” ишлаб чиқилади ва ахборот хавфсизлиги соҳасида узоқ муддатли умуммиллий режани мувофиқлаштирувчи PDD-63 сонли президент директиваси қабул қилинди. Режанинг асосий мақсади – 2000 йил декабр ойигача дастлабки мудофаа тизимини, 2003 йил май ойига келиб эса тўлиқ тизимини яратиш белгилаб қўйилади¹.

¹ Леваков А.А. В США принят план защиты информационных систем. – Jet Info, №8 2000г. – С. 12-14

Режада муҳим объектлар ва уларнинг нозик томонларини аниқлаш, мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, Илмий-тадқиқот ва синов-конструктор ишларини олиб бориш (ИТСКИ - НИОКР), муҳофазанинг техник воситаларини жорий этиш, янги қонунлар қабул қилиш, фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш вазифаларига қаратилган ўнта мустақил дастур ўз ифодасини топган. Белгилаб қўйилган мақсаднинг муҳим шартини ҳисобланган миллий ахборот ресурсларини муҳофаза этишда ҳукумат, федерал идоралар ва хусусий сектор сайёҳи-ҳаракатларини уйғунлаштириш ҳужжатнинг ўзагини ташкил қилади.

Биринчи дастур инфратузилманинг ўта муҳим ресурсларини белгилаш, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва олдида турган таҳдидларни аниқлашга бағишланган. Иккинчи дастур ўта муҳим компьютер тизимлари учун кўп босқичли муҳофаза тизимини яратишга қаратилган. Учинчи дастурга биноан махсус хизматларга хорижда ахборот урушини олиб бориш услуб ва воситалари ҳақида маълумотлар тўплаш ҳуқуқи берилган. МРБ маълумотларига кўра очик манбаалар учун бюджетдан разведкага ажратилган 1% маблағ олинаётган маълумотнинг 40%ни беради. “Ҳужум ҳақидаги хабарни ўз вақтида алмашиниш” деб аталган тўртинчи дастур ахборот тизимлари муҳофазасининг энг муҳим йўналишларидан бирини қамраб олади. Унга биноан ахборот алмашинуви вақтнинг реал ўлчамида мунтазам равишда олиб борилиши лозим.

“Жавоб қайтариш (реагирование), реконфигурация ва тикланиш воситаларини яратиш” номли бешинчи дастур ахборот тизимларига ҳужум бўлган чоғда махсус корпоратив ва индивидуал режаларни ишлаб чиқиш ва бу орқали зиён кўламини нисбатан камайтиришга йўналтирилган. Бу йўналишда 2000-2003 йилларда ушбу дастур доирасида алоқа тизимлари модернизация қилинган Фавқулодда вазиятларда фаолият юритувчи федерал агентликка алоҳида ўрин ажратилади. Саккизинчи дастурда мактабларда ахборот ва телекоммуникация ресурслари билан муносабатда бўлиш этикасини ўқитиш, компьютер индустрияси етакчилари билан яқин

хамкорликда бўлиш, федерал ахборот тизимлари фойдаланувчиларини ахборот хавфсизлиги асосларини юксак даражада билишларига имконият яратиш тавсия этилади. Шу билан бирга, инфратузилма хавфсизлигини таъминлаш аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда Конституция томонидан кафолатланган фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Уларни амалга оширишнинг ҳам дастурлари, ҳам механизмлари ишлаб чиқилмоқда.

2000 йил январ ойида АҚШнинг ўша даврдаги президенти Б.Клинтон томонидан 2000-2003 йилларга мўлжалланган “Ахборот тизимлари муҳофазаси миллий дастури” имзоланган ҳужжатга биноан Миллий инфратузилма хавфсизлиги бўйича кенгаш ҳамда компьютер ва ахборот хавфсизлиги махсус марказлари тузилади: Пентагонда Тармоқлар муҳофазаси қўшма маркази (JTF CND), ФБРда Инфратузилма муҳофазаси миллий маркази (NIPC), шунингдек компьютер ҳодисаларига муносабат билдирувчи, яъни махсус Федерал тармоқлар орқали ҳужумни аниқлаш орқали ҳукумат, саноат, тижорат ва ижтимоий ташкилотларни АҚШга ахборот ҳужуми содир этилганлиги ҳақида хабар етказувчи, Миллий ва Федерал марказлар тузилди¹.

2000 йилда ишлаб чиқилган “Ахборот тизимлари муҳофазаси миллий дастури” АҚШ маъмурияти ахборот хавфсизлиги масаласини янги – умуммиллий даражага кўтариш борасида қатъий ишлар олиб бориш нияти борлигини кўрсатади. Шу билан бирга жамиятнинг ҳар бир фуқаросидан нафақат ўз хавфсизлиги, балки умумжамият манфаатларини таъминлашга даъват қилинади.

2000 йилдан АҚШ Мудофаа вазирлиги ва унинг НАТОдаги иттифоқчилари томонидан ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган қўшма чора-тадбирлар натижасида ахборот хавфсизлигига таҳдид аниқланган пайтда ишга тушувчи ва барча бўлинма ва хизматларни огоҳ этувчи IAVA (Information Assurance Vulnerability Alert) огоҳлантирувчи

¹ Леваков А.А. Анатомия информационной безопасности США. – Jet Info, №6, 2002г. – С. 5

тизим яратилди.

Мудофаа вазирлиги ахборот тизимлари агентлиги (Defense Information System Agency) тизимнинг ҳар бир администраторига ожиз нукталар ҳамда оқибатларни бартараф этиш мақсадида жавоб ҳатти-ҳаракатлари бўйича қисқа тавсиялар ҳақида маълумотларни тезлик билан тарқатиш учун ахборот мажмуини яратди.

Миллий хавфсизлик агентлиги ахборот хавфсизлиги бошқармаси DISA билан ҳамкорликда Мудофаа вазирлиги ва бошқа ҳукумат департамент ва агентликлари ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолият олиб боради¹.

АҚШ армия уставида: «Информацион уруш – миллий стратегия манфаатлари йўлида ахборот устунлигига эришишга қаратилган ҳамда бир вақтнинг ўзида ўз ахбороти ва ахборот тизимларини ҳимоялаган ҳолда рақиб ахбороти ва ахборот тизимларига таъсир кўрсатиш йўллари орқали амалга ошириладиган ҳаракат», деб таъриф берилади. Айни пайтда АҚШда 3 йўналишда – қуролли кучларда, махсус хизматларда ва миллий миқёсда тайёргарлик олиб борилмоқда.

«Информацион-психологик уруш» атамаси сиёсий соҳага АҚШ ҳарбий доиралари луғатидан кириб келди. Мазкур атаманинг («information and psychological warfare») сўзма-сўз таржимаси инглиз тилидан олинган бўлиб, муайян расмий ҳужжат ёки илмий мақоладан келиб чиққан ҳолда «информацион рақобат» ёки «информацион ва психологик уруш» деб таржима қилинади. Ушбу тушунчаларнинг маънолари бир хил бўлишига қарамасдан айрим тадқиқотчи олимлар орасида иккига - «информацион рақобат» ва «информацион уруш» тарафдорларига бўлиниш кўзга ташланмоқда.

«Ахборот уруши» атамаси биринчи маротаба АҚШ ҳарбий доираларида 1991 йилда қўлланила бошланди. Мазкур масала бўйича дастлабки расмий ҳужжат АҚШ мудофаа вазирининг 1992 йил 21 декабрдаги

¹ Фатъянов А. Правовое обеспечение безопасности информации в РФ. – М: Юрист, 2001. – С. 24

«Ахборот уруши» номли директивасини келтириш мумкин. Унда, хусусан, «душман билан карама-қарши туриш шароитида ҳарбий кучлар ахборот ресурсларини ҳар томонлама иноватга олиш зарурияти» айтиб ўтилади. 1993 йилда Штаб Бошлиқлари Комитети директивасида инфорацион урушнинг асосий тамойиллари баён этилган.

Бироқ, 1948 йил 18 август куни АҚШ Миллий хавфсизлик кенгаши 20/1 рақамли «Россияга қарши урушда АҚШнинг мақсадлари» номли директивани қабул қилди. Мазкур сана АҚШнинг СССРга нисбатан ахборот уруши бошланган сана ҳисобланади. 20/1 рақамли директива АҚШда биринчи мартаба 1978 йилда «Тутиб туриш. 1945-1950 йилларга мўлжалланган Америка сиёсати ва стратегияси тўғрисидаги ҳужжатлар» тўпламда нашр этилади¹.

1993 йилда АҚШда Мудофаа вазирлиги ва Марказий разведка бошқармаси ходимларидан иборат Хавфсизлик масалалари бўйича комиссия ташкил этилади. Ушбу комиссия олиб борган изланишлари асосида: «Ҳозирга қадар қўлланилиш стратегияси ва тактикаси ноаниқ бўлган Ахборот қуроли мудофаа ва ҳужумда 'электрон тезликда' олиб бориш керак бўлишини» таъкидлайдилар. Уларнинг фикрларича ахборот технологиялари бирорта ҳам ўқ узмасдан геосиёсий можароларни ҳал этиш имкониятини беради².

Шунингдек, мазкур комиссия: «Бизнинг миллий хавфсизликни таъминлаш сиёсати ва уни амалга ошириш жараёни ахборот урушларини олиб боришга қаратилган имкониятларимизни ҳимоя қилишга ҳамда АҚШга душманона кайфиятда бўлган давлатларга бундай урушларни олиб бориш имкониятларини чекловчи шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган бўлиши даркор», - деган хулосани илгари суради³.

АҚШ ҳарбий масалаларга оид расмий ҳужжатларда: «Глобал даражадаги ахборот макони ахборотнинг муҳим манбаи бўлиб қолади ва уни

¹ Containment. Documents of American Policy and Strategy 1945-1950. Ed. by T. Etcold and J. Gaddis. – N.Y.: 1978

² Цыганков В.Д., Лопатин В.Н. Психотронное оружие и безопасность России. – М.: СИНТЕГ, 1999. – С. 15

³ Ўша жойда.

келгусидаги барча ҳарбий операцияларда эътиборга олиш керак бўлади», - деб қайд этилади¹.

«Информацион психологик уруш» атамасини муомалага киритар эканлар америкалик ҳам ҳарбий, ҳам ноҳарбий олимлар қисқа муддатли, бугунги кун манфаатлари билан эмас, балки яқин истиқбол манфаатларига йўналтирилган, Америка маданиятга хос бўлган прагматик мафкура анъаналарга риоя этадилар: «ахборот уруши» атамасини қўллар эканлар, улар ҳукумат доираларида ва жамият онгида муносабатларнинг ушбу шакллари истиқболда ривожланиб, самарали бўлиши, ҳамда анъанавий қуроли карама-қаршилиқни умуман сиқиб чиқаришини назарда тутадилар.

Бугунги кунда МРБ (ЦРУ) томондан психологик уруш операциялари ишлаб чиқарилди. Бу тушунча Америка армияси низом ҳужжатида (№33-5 рақамли дастурда) қуйидагича таърифланади: «душманнинг ғалабага бўлган иродаси йўқотилувчи, бу борада душманнинг сиёсий ва иқтисодий имкониятлари барбод қилинувчи; душман ўз иттифоқчилари ва бетарафлар томонидан қўллаб-қувватланиши, ёрдам олиши ва хайрихоҳлигидан маҳрум бўлиши ёки бундай қўллаб-қувватланиши, ёрдам олиши ва хайрихоҳликка эришишнинг олди олинishi; мамлакатимиз халқи ва унинг иттифоқчилари орасида ғалабага интилишни юзага келтириш, қувватлаш ёки ошириш; нейтралларнинг қувватлаши, ёрдами ва хайрихоҳлигига эга бўлиш, сақлаб туриш ва ошириш борасида барча воситаларни, жумладан маънавий ва жисмоний (мунтазам армиянинг ҳарбий операциялари бундан мустасно, бироқ уларнинг психологик натижаларидан фойдаланган ҳолда) мувофиқлаштириш ва қўллаш»².

АҚШ Қуроли кучларида назарий, ташкилий ва моддий-техникавий тадбирларни қамраб олувчи Ахборот қуроли ривожлантирилмоқда. Армия, флот ва ҳарбий-ҳаво кучларида мазкур масалалар билан шуғулланувчи офицер лавозимлари жорий этилди. 1995 йил охирида Пентагон 1994-1995 йилларда ўндан ортиқ махфий равишда ўтказилган штаб ўйинларини

¹ Қаранг: Concept for Information Operations. TRADOC Pamphlet 525-69. 1 August 1995

² Широнин В. КГБ-ЦРУ. Секретные пружины перестройки. – М.: Ягуар, 1997

натижаларини умумлаштирди. Энг асосийси, АҚШ қуроли кучлари ракета-ядровий ва космик дастурларга қараганда ахборот технологияларига катта маблағ сарфлаш орқали интенсив суръатларда Ахборот Қуроли билан таъминланмоқдалар.

АҚШда ахборот қуралининг турли тизимлари яратилган ва амалиётга татбиқ этилган. Ушбу тизимларни мақсади ва соҳалари (объект) бўйича 3 тур ёки синифларга ажратиш мумкин:

1. Давлат бошқаруви ва ҳарбий объектлар, саноат, транспорт, алоқа, энергетика, банклар ва бошқа муассаларнинг фаолиятни таъминловчи ахборот тизимлари ва тармоқларни ишдан ва издан чиқарувчи ахборот қуруллари.

2. Инсонлар психикасига таъсир кўрсатиш орқали уларнинг ҳатти-ҳаракатларини бошқариш имконини берувчи ахборот қуруллари. Форс кўрфази урушидан кейин Пентагон илмий-тадқиқот марказларида осмонда мусулмон валийлари голографик тасвирини яратувчи воситалар ишлаб чиқарилган: «самодан туриб улар ўз диндошларини қаршилик кўрсатиш бефойда эканлигига ундайдилар».

3. Радиоэлектрон босими – бу электромагнит ва инфрақизил тўлқинлар таъсири орқали душманинг электрон воситалари фаолиятини бузиш ёки унга тўсқинлик қилишга қаратилган радиоэлектрон кураш тури.

1996 йил июн ойда АҚШ Конгресси сенат қўмитасида бўлиб ўтган йиғилишда Америка ахборот ва телекоммуникацион тизимларини информацион тажоввудан муҳофаза қилиш мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлашда муҳим таркибий қисмлардан бири ҳисобланиши таъкидланди. Мазкур йўналишида амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириш мақсадида АҚШ Миллий хавфсизлик агентлиги қошида информацион уруш олиб борувчи ва таҳдидларни бартараф этувчи махсус марказни ташкил этиш ҳақида таклиф илгари сурилади.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги кескин бурилиш 2001 йил 11 сентябр воқеаларидан сўнг содир бўлди. Террористик хуруждан бир

ойдан сўнг 2001 йил 8 октябрь куни АҚШ Президенти Ички хавфсизлик бошқармасини (Office of Homeland Security) ҳамда Ички хавфсизлик масалалари бўйича кенгаш тузиш ҳақидаги №13228 сонлик қарорга имзо чекди. Яна қисқа фурсат ичида АҚШ Президенти мамлакат ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган «Ахборот асрида критик инфратузилмани ҳимоялаш» номли №13231 сонлик қарорни қабул қилди. Ушбу қарорга биноан президент қошида Критик инфратузилмани ҳимоялаш масалалари бўйича қўмита ташкил этилди.

Ахборот макони ва ижтимоий фикр билан боғлиқ янги мақом ташқи сиёсатда кенг тарзда қўлланилиб келинади. Ҳар бир мамлакат ижтимоий фикрни шакллантириш орқали ўз ҳарбий-сиёсий мақсадларига эришиш имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Масалан, америкалик мутахассислар қарорлар қабул қилувчи шахсларга масалаҳатлашиш ва таҳлил қилишга вақт қолдирмаслик учун кучли босим кўрсатувчи медиа-урушлар олиб бориш даркорлигини айтиб ўтадилар¹. Бу эса босим кўрсатишда нафақат ҳарбий инструментлардан, балки анча самарали бўлган «юмшоқ куч» воситаларидан ҳам фойдаланиш имкониятини беради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ахборот урушининг психологик йўналишдаги мақсадлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкинлигини таъкидлаш лозим:

1. Соф мафкуравий таъсир ўтказишга уриниш.
2. Мамлакат аҳолисига нотўғри маълумот бериш (давлат ва ҳукумат раҳбарларига ишончсизлик уйғотиш, давлат сиёсатининг айрим йўналишларига норозилик кайфиятларини туғдириш, расмий тарғибот ва ахборот манбаалари ва каналларига ишончни йўқотиш).
3. Фуқароларга психологик босим ўтказишга уриниш (Миш-мишларни тарқатиш, носоғлом кайфият туғдириш, турли ижтимоий гуруҳлар орасида душманона кайфиятларни – миллатчилик, расизм, диний экстремизм ва

¹ Павлютенкова М.Ю. Информационная война: реальная угроза или современный миф? // «Власть», 19.12.2001, Москва, №12. – С. 19-23

фанатизмни юзага келтириш)¹.

Глобаллашув даврида хорижий тажрибани ўрганиш, унинг ижобий ва салбий томонларига баҳо бериш долзарб масалалар сирасига киради. Маълумки, ҳар бир ахборот тизимига (жумладан, инсонга ҳам) ўзаро боғлиқ бўлган уч масала – объектив борлиқни ифода этувчи ахборот ресурсини шакллантириш, ушбу ахборот ресурсини зарарли бўлган ички ва ташқи тажоввузлардан ҳимоялаш ҳамда ташқи муҳит билан ўзаро фойдали ва хавфсиз ахборот алмашинувини ташкиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, ахборот хавфсизлигини таъминлашда давлат сиёсатини ишлаб чиқиш, давлат ҳокимияти органлари ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармалари фаолиятини мувофиқлаштириш ахборот соҳасидаги миллий манфаатларининг кафолатли таъминланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

¹ Артемов В. Анатомия лжи. – М.: Изд-во политической литературы, 1973. – С. 19

ХУЛОСА

Юқорида айтилган фикрлардан келиб чиқиб, глобаллашув шароитида ахборот оқими жамиятлар сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий, мафкуравий соҳаларига мисли кўрилмаган даражада катта таъсир кўрсатиши, жумладан Ўзбекистон миллий хавсизлигига таҳдидни шакллантирувчи омиллардан бири бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ахборот-мафкуравий кураш масаласига тўталар экан, «Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин»лигини ёки «Мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлидир», - деган фикрлари ахборот курашининг моҳиятини ифодалаб беради¹. Зеро, бугунги кунда ахборотни чеклаб-чегаралаш ман қилинаётган маълумотга қизиқишни кучайишиги олиб келар экан, айнан юртбошимиз томонидан таъкидланган усул энг самарали бўлиши мумкин.

Ахборот урушлари масалаларини ўрганиш ахборот куролининг хилма-хиллиги ва имкониятлар кенглигидан далолат беради. Бу эса мавжуд таҳдидларга қарши ишончли ва қатъий тўсиқлар барпо этишни тақозо этади. Шу муносабат билан жаҳон миқёсида ахборот урушларига нисбатан қизиқиш ахборот соҳасида мавжуд таҳдидларни аниқлаш ва ахборот хавфсизлигини таъминлашда ягона механизм ишлаб чиқиш зарурияти билан ифодаланади. Мазкур масалага давлатларнинг бепарволиги ахборот хуружига ожиз бўлиб қоладилар.

Информационализм — глобаллашув жараёнининг ажралмас таркибий қисмларидан бири бўлиб, бунда жаҳон давлатлари ва ҳамжамяти, минтақалари тараққиётининг бир-бирига ўзаро таъсири, боғлиқлиги шунчалик ошиб борадики, натижада инсоният яхлит иқтисодий, сиёсий тизимга эҳтиёж сезади.

¹ Каримов И. А. Адолатли жамият сари. — Т.: Ўзбекистон, 1998. — Б. 160.

Инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларига ахборот технологияларининг кириб келиши ушбу соҳалар тараққиётида катта инқилобий ўзгариш ясаб, янги фаолият турларини келтириб чиқаради, янги тажриба майдони сифатида гипермайдон, яъни Интернет намоён бўлади.

Информационализм шароитида ахборотлар зиддиятлари, тўқнашувлари мисли кўрилмаган даражада ўзининг чўққисига эришади. Бунда Интернет ва бошқа ахборот технологияларнинг бир қатор афзалликлари асосий омил бўлади.

Информационализм кўпгина жамиятларда, айниқса анъанавий жамиятларда маданий-маънавий соҳага салбий таъсир этувчи омил сифатида қабул қилинади, ушбу жамиятлар кадр-қимматларининг сақланишига таҳдид сифатида катта ташвиш уйғотади.

Ахборот урушлари назариялари таҳлили ахборот таъсир кўрсатиш борасида қатор изланишлар олиб борилганлигини кўрсатади. Ахборот курашини ташкиллаштириш ва олиб оришда гуманитар ва техник соҳалар уйғунлашиб кетаётганини, уларнинг ягона мақсад ва интилишлар йўлида изчил ва самарали фойдаланилиб келинаётганини кузатишимиз мумкин. Бунинг ёрқин мисоли сифатида АҚШда ахборот урушининг олиб борилишида кенг усул ва воситалардан фойдаланилиб келинмоқда.

АҚШда ахборот курашини олиб бориш тажрибасини ўрганиш натижасида ушбу мамлакат замонавий радиоэлектрон тизимлари ва компьютер технологияларини ишлаб чиқиш ва фойдаланиш юқори даражада эканлигини кўрсатмоқда. Ахборот урушини олиб бориш масалаларига бағишланган концепцияларда АҚШ ўз олдиға нафақат сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий соҳаларда, балки жаҳон ахборот инфратузилмасида ҳам етакчилиқни таъминлашга интилиб келмоқда. Бунда ахборот-психологик операцияларни амалга оширишда ҳам ижтимоий ОАВ, ҳам психологик операцияларни бажаришга ихтисослашган махсус ҳарбий бўлинмалар жалб этилади. Шу билан биргаликда ахборот уруши усуллари мажмуи мунтазам равишда кенгайтирилиб боришмоқда. Бундан ташқари ахборот қуроли қуролли

карама-қаршиликда мустақил тармоқ сифатида қараб келинмоқда.

Ахборотни яратиш, узатиш, қабул қилиш, уни қайта ишлашнинг кейинги босқичлари ва истиқболлари ахборотни «чеклаш-чегаралаш» воситасини борган сари яроқсизлантиради.

Информационализм шароитида ахборотлар зиддиятлари, тўқнашувлари мисли кўрилмаган даражада ўзининг чўққисига эришади.

Бунда Интернет ва бошқа ахборот технологияларнинг бир қатор афзалликлари асосий омил бўлади.

Информационализм кўпгина жамиятларда, айниқса анъанавий жамиятларда маданий-маънавий соҳага салбий таъсир этувчи омил сифатида қабул қилинади, ушбу жамиятлар кадр-қимматларининг сақланишига таҳдид сифатида катта ташвиш уйғотади.

Шунингдек, ҳарбий қуроллар билан олиб бориловчи урушлар эндиликда ахборот урушларининг барча элементлари билан биргаликда олиб борилиши мўлжалланмоқда. Ҳарбий ҳатти-ҳаракатлар билан биргаликда ахборот урушини олиб боришнинг муҳим жиҳатлари сифатида яқин келажакда устивор аҳамият касб эта бошлайди.

Ўзбекистон миллий хавфсизлигининг сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳаларида информационализм таъсирида маълум зиддиятлар, қарама-қаршиликлар кутилиши мумкин. Интернетнинг сиёсий ва диний экстремизм ғояларини тарқатиш ва йўналтиришда қулайлиги, этник ва конфессионал муносабатларни чигаллаштириш хавфи борлиги, маънавий қадриятларни йўққа чиқарувчи сайтларнинг кўплиги – информационализмнинг салбий жиҳатларини ифодалайди. Ҳудудийлик омили жамият ёки ҳамжамятни аниқлаш учун марказий аҳамиятини йўқота бошлайди ва бу тенденция коммуникацион технологиялар тараққиётининг тезлашув жараёнига чамбарчас боғлиқдир.

Глобаллашув жараёнининг бориши билан, ҳар хил даражадаги ижтимоий субъектлар томонидан автоном, мустақил қарор қабул қилишга интилиш ва бунга эришиш ҳолати кузатилади. Глобаллашув жуда кўплаб

муаммоларни келтириб чиқаради, бу муаммолар иқтисодий, ижтимоий, маданий-мафкуравий, информацион ва албатта сиёсий соҳаларда авж олади. Айни пайтда бугунги кунгача шаклланган миллий давлатларнинг ушбу муаммоларни якка ҳолда ҳал қилиш имкониятини чеклайди.

Замонавий технологиялар борасидаги инқилоб географик, тарихий ва сиёсий соҳалардаги чегараларнинг йўқолишига олиб келади. Дунё ягона глобал майдонга айланади. Борган сари цивилизациялар ўртасидаги фарк йўқолади, мафкуравий номувофиқликлар силлиқланади, миллий давлатлар трансмиллий ташкилотлар босими таъсирида, шунингдек ички миллий ва диний зиддиятлар, тўқнашувлар остида ўзларининг ҳокимиятини йўқота борадилар.

Шу билан биргаликда АҚШда миллий ахборот инфратузилмасини муҳофаза қилишга қаратилган қатор ишлар амалга оширилмоқда. Қўйилган мақсадларга эришиш йўлида фуқаровий ва ҳарбий салоҳиятни уйғунлаштириш ҳақида фикрлар билдирилмоқда. Хусусан, Ички хавфсизлик вазирлиги «Майкрософт» компанияси ҳамда глобал ва космик информатика йўналишида фаолият олиб бораётган компаниялар билан алоқаларни мустаҳкамламоқда. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини ҳал қилувчи ахборот тизимларини тайёрлашда олинган тажриба уларнинг функционал вазифаларини фавқулодда вазиятлардан сўнг ҳам тиклашда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш имконини беради.

АҚШда ахборот хавфсизлиги масаласи мавжуд ёндошувларни қайта кўриб чиқиш, саноат ва бизнесда ягона стандартларни қабул қилиш, тегишли тармоқ кадрларини тайёрлаш миллий тизимини яратиш, аҳоли оммасини таҳдидлар ва уларни баратараф этиш чоралари ҳақида маълумот беришни талаб қилади. Бундан ташқари АҚШда компьютер жиноятларига самарали қарши туриш учун муҳофазанинг техникавий ва дастурий воситаларини уларнинг кескин суръатларда ривожланиб бориши ва шу боис эскириб қолишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш ва тарқатиш керак бўлади.

Ахборот таъсири ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида

АҚШ тажрибасини танқидий ўрганиш ва унинг ижобий томонларини Ўзбекистонда ҳам татбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунда ахборот урушларини олиб бориш стратегияси таҳлили Ўзбекистон учун бошқарувнинг барча даражаларида: вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларда критик инфратузилмага салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ахборот хуружига қарши оператив ва келишилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарурияти олдинга чиқади.

Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. АҚШда ахборот хавфсизлиги ягона бошқарув ва мувофиқлаштириш марказига эга. Уларнинг асосий вазифаси компьютер жиноятларига қарши курашиш, ахборот хуружига қарши туркум чора-тадбирларни амалга ошириш, ҳукумат, саноат, тижорат ва ижтимоий ташкилотларга бу борада маълумот беришдан иборат.

2. Ахборот технологияларини замонавий талабларга жавоб бера олиш борасида технологик ва дастурий ишланмалар ишлаб чиқилади.

3. Ахборот урушининг янги услуб ва воситалари кузатилади ва ривожлантириб борилади.

4. Ахборот уруши борасида ҳам мамлакат ичкарисида, ҳам мамлакат ташқарисида туркум тадбирлар – психологик таъсирдан тортиб, халқаро даражада учрашувлар, конференциялар, тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилади.

5. Шахсларнинг идентификацияси, криптографик ёки биометрик маълумотлари алоҳида ахборот мажмуида мужассам этилади.

Информацион глобаллашув шароитида кичик ва арзимаган ҳар қандай маҳаллий зиддият ва тўқнашувларнинг глобал тус олиши эҳтимоли кучаяди.

Ўзбекистонда маълум миллий давлат манфаатларини сақлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида қуйидагиларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир:

Биринчидан, Ўзбекистонда информацион жамиятни шакллантиришнинг муҳим талабларидан бири – ушбу соҳада юқори малакали кадрлар тайёрлашга эътиборни янада кучайтириш, яъни замонавий

ахборот технологиялари, янги дастурлар жорий қилиш ва ўқув муассасаларида компьютерлар билан ишлаш даражасини юқори даражага кўтариш.

Иккинчидан, Республикада ахборотлаштиришни ривожлантириб минтақа ва жаҳон информацион ҳамжамиятига интеграциялашувни йўлга қўйиш, ушбу соҳа Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатидаги асосий йўналишларидан бири бўлиши лозим.

Учинчидан, илмий техникавий сиёсатда информацион соҳа асосий ўрин эгаллаши ва олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш учун етарли шарт-шароитлар яратиш.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

- 1.1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Том 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. - 364 б.
- 1.2. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Том 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. - 366 б.
- 1.3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. - 326 б.
- 1.4. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. – Т.: Ўзбекистон, 1998. - 326 бет.
- 1.5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. – Т.: Ўзбекистон, 1999. -367 б.
- 1.6. Каримов И.А. Ҳушёрликка даъват. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
- 1.7. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: Ўзбекистон, 2008. - 173 б.
- 1.8. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва фуқоролик жамият барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. - 77 б.

2. Меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар

- 2.9. Закон Республики Узбекистан «О принципах и гарантиях свободы информации» № 439 от 12.12.2002 г.
- 2.10. Закон Российской Федерации «Об информации, информатизации и защите информации» // <http://www.netoscope.ru/docs/2000/07/31/22.html>
- 2.11. Положение о Межведомственной координационной комиссии по совершенствованию и повышению эффективности информационной деятельности и передачи данных.
- 2.12. Приложение N 2 к Постановлению КМ РУз от 10.07.1998 г. № 293. с

изм. от 2002г.

2.13. Россия федерациясининг ахборот хавфсизлик доктринаси // 200 йил 9 сентябрь. № Пр-1895

2.14. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни //Ўзбекистон матбуоти. 2003 йил №1.

2.15. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: "Ўзбекистон", 1992.

2.16. Четвертая власть: Сборник законов постановлений и других документов Республики Узбекистан. Т.: «Мехнат», 2003г.

3. Илмий адабиётлар

Ўзбек тилидаги адабиётлар

3.17. Жўраев С. Замонавий халқаро муносабатлар. – Т.: Академия, 2007 . - 184 б.

3.18. Жўраев С.: Саидолимов С.: Абдуғаниева З. Халқаро хавфсизлик. – Т.: Akademiya, 2007. - 148 б.

3.19. Жўраев Т. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик. –Т.: Академия, 2007.

3.20. Кўчаров Ч.Ш. Марказий Осиёнинг минтақавий интеграцион жараёни муаммолари: (Геосиёсий таҳлил тажрибаси). –Т.: Фан, 2008. 49-52 бетлар.

3.21. Пахрутдинов Ш. Таҳдид – ҳалокатли куч. – Т.: Академия, 2001.

3.22. Рахмонов А. Ўзбекистон Республикаси мудофаа ва миллий хавфсизлигини таъминлашнинг конституциявий асослари. - Т.: 2002. –109 - б.

3.23. Сафоев С.С.Марказий Осиёдаги геосиёсат. – Т.: ЖИДУ, 2005. - 160 б.

3.24. Турсунов А.: Нурназаров Р. Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги ва уни таъминлашнинг қонуний асослари. – Т.: Ижод дунёси. 2004. – Б. 5

3.25. Умаров Б.З.: Ғаниев А.С. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти: халқаро муносабатлар ва ташқи алоқаларни ташкил қилиш. – Т.: Ғафур Ғулом, 2008.- 704 б.

3.26. Умарова. Н. Глобаллашув шароитида ахборот хуружларига қарши кураш. Т., 2005. -3-бет.

Рус тилидаги адабиётлар

3.27. Алексеева И.Ю. и др. Информационные вызовы национальной и международной безопасности / Под общ. ред. Федорова А.В., Цыгичко В.Н. – М.: ПИР-Центр, 2001. – С. 73-74

3.28. Алимов Р. М. Информационные процессы в сфере обеспечения стабильности и безопасности в условиях глобализации. Т.: 2001;

3.29. Алимов Р.М. Центральная Азия: Общность интересов. – Т.: “Шарқ”, 2005. - 464 с.

3.30. Аль-Бухари М. Средства массовой информации Республики Узбекистан: политико-правовые основы их деятельности. «Шарқ машъали». - Т.: 2001.

3.31. Андрианова Т.В. Геополитические теории XX века (Социально-философские исследования). – М.: 1996.

3.32. Арсентьева И.И. Стратегия национальной безопасности США в контексте международной безопасности // Вестник ЧитГУ №6(51)

3.33. Артемов В. Анатомия лжи. – М.: Изд-во политической литературы, 1973. – С. 19

3.34. Бауман З. Глобализация. Последствия для человека и общества / Пер. с англ. – М., 2004. – С. 100-101.

3.35. Бжезинский З. Великая шахматная доска. Господство Америки и его геостратегические императивы. – М.: Международные отношения, 1999. - 256 с.

3.36. Брайнт Дж., Томпсон С. Основы воздействия СМИ (пер. с англ. В.В. Кулебы и Я.А.Лебеденко) –М.: Вильямс, 2004.

3.37. Валлерстайн И. Анализ мировых систем и ситуация в современном мире / Пер. с англ. – СПб., 2001. – С. 365.

3.38. Волеводз А.Г. Противодействие компьютерным преступлениям. М.:

«Юрлитинформ», 2002г.

3.39. Гаджиев К. Введение в геополитику. – М.: 1998; Геополитика: теория и практика . Под ред. Э.А.Позднякова. – М.: 1996.

3.40. Глобализация, энциклопедия. Под ред. И.И.Мазур и А.Н.Чумакова. -М., 2003.-С. 189.

3.41. Грабельников Г.Г. Массовая информация в России: от первой газеты до информационного общества. М.: изд. Российского университета дружбы народов, 2001г.

3.42. Дж. Тойнби. Постижение истории. – Москва.: Прогресс, 1991. – 557 с.

3.43. Добринская О. Отношения Японии с крупными державами АТР // МЭиМО. – 2004. – № 8. – С. 95.

3.44. Домисиевич Р., Назаркин Ю. Гражданский контроль национальной политики безопасности: опыт стран СНГ. М.: ФРПЦ, 2004г.

3.45. Е.Б.Белов, В.П.Лось, Р.В. Мещеряков, А.А.Шелупанов. Основы информационной безопасности. Учебное пособие для вузов. –М.: Горячая линия, 2006.

3.46. Жураев С.: Касымова Н.А. Актуальные вопросы современных международных отношений. – Т.: Akademiya. 2008. - 320 с.

3.47. Кастельс М. Информационная эпоха. Экономика, общество и культура. М.: 2000. – С. 608.;

3.48. Касымова Н.А. Соединенные Штаты Америки в региональных процессах (политико-экономический аспект): Автореф. дис... докт.полит.наук. – Ташкент: УМЭД, 2002.

3.49. Култыгин В. П. Незападные концепции глобализации. Личность, культура, общество. 2002. Том IV. Выпуск 1-2 (11-12). – С. 388.;

3.50. Мухаммад Аль-Бухари. Проблемы международного обмена информацией в условиях современных международных отношений. Ташкент, 2004г.

3.51. Основы информационной безопасности. Учебное пособие для вузов / Е.Б.Белов, В.П.Лось, Р.В. Мещеряков, А.А.Шелупанов. –М.: Горячая линия,

2006.

3.52. Панарин А.С. Глобальное политическое прогнозирование. Учебник для студентов вузов. -М: Алгоритм, 2002. - С.352.

3.53. Партыка Т.Л., Попов И.И. Информационная безопасность. М.: «Форум», 2002г.

3.54. Петровский В.Ф. Американская внешне-политическая мысль. – М.: 1976.

3.55. Почепцов Г. Информационные войны. М: «Рефл-бук», «Ваклер» 2001. - С. 576.

3.56. Почепцов Г. Психологические войны. М: «Рефл-бук», «Ваклер» 2002. - С.528.

3.57. Современные международные отношения: Учебник / Д.В. Алгульян, Е.П. Бажанов, В.Г. Барановский и др.; Под ред. А.В. Торкунова. – М.: РОССПЭН, 1999. 583 с.

3.58. Торкунов А.В. Современные международные отношения. – М.: Российская политическая энциклопедия (РОССПЭН), 1999. – С. 152.

3.59. Фатьянов А. Правовое обеспечение безопасности информации в РФ. – М: Юрист, 2001. – С. 24

3.60. Федоров Ю.Е. Международная безопасность и глобальные проблемы. М.: Наука, 1983, С. 154-155.

3.61. Хасанов У.А. Региональная безопасность и национальные интересы (Центральноазиатский регион). – М.: 2004. - 192 с.

3.62. Хидоятов Г.А. Основы дипломатии. – Т.; УМЭД, 2002. – С. 258.

3.63. Цыганков В.Д., Лопатин В.Н. Психотронное оружие и безопасность России. – М.: СИНТЕГ, 1999. – С. 15

3.64. Чумаков А.Н. Глобализация, контуры целостного мира. -М.:Прспект, 2005.-С.31.

3.65. Шаклеина Т.А. Россия и США в новом мировом порядке. Дискуссии в политико-академических сообществах России и США (1991-2002). – М.: Институт США и Канады РАН, 2002. 118 – с.

3.66. Широ́нин В. КГБ-ЦРУ. Секретные пружины перестройки. – М.: Ягуар, 1997

3.67. Яро́чкин В.И. Информационная безопасность. М.: Академический проект; Гаудеамус, 2004г.

Хорижий тиллардаги адабиётлар

3.68. Project for the New American Century. Rebuilding America's Defenses: Strategy, Forces and Resources for a New Century. Washington, DC: PNAC, 2000. – P . 75.

3.69. Raphael Perl. Terrorism, the Future, and U.S. Foreign Policy // Congressional Research 3.49Service. – The Library of Congress. – 2003. – P. 8.

3.70. William J. Clinton. National Security Strategy of Engagement and Enlargement. Washington, DC: Government Printing Office, 1996.

4. Автореферат ва диссертациялар

4.71. Алимов Р. Информационные процессы в сфере обеспечения стабильности и безопасности в условиях глобализации. Автореф. дисс. канд. полит. наук. Т.: НУУ, 2001г.

4.72. Бородин А.С. Информационная безопасность в современной России: политологический анализ. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.п.н. Санкт-Петербург– 2009.

4.73. Гумеров Р.А. Геополитические интересы США, Китая и России в Центральной Азии. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.п.н. Москва– 2009.

4.74. Евдокимов В.А. Росль средств массовой информации в политизации социального конфликта. Автореферат диссертации на соискание ученой степени д.п.н. Екатеринбург – 2007.

4.75. Кафтанчиков Д.П. Информационная безопасность регионов РФ: современное состояние и приоритеты обеспечения. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.п.н. Орел – 2009.

4.76. Мирошников С.Н. Политика США в отношении республики Китай // Автореферат дисс... на соиск. уч.степ. к.и.н. – Томск, 1997. – С. 10.

5. Журнал ва газеталардаги мақолалар

5.77. Арзиев Ф. АҚШ сиёсати ва “ақлий марказ”лар // Тафаккур. – 2009. №1. 113-б.

5.78. Арсентьева И.И. Стратегия национальной безопасности США в контексте международной безопасности // Вестник ЧитГУ №6(51)

5.79. Баранов А. Информационный суверенитет или информационная безопасность? // Деловая Украина. № 24, 1998 г.

5.80. Белоусов С. Механизм международных военно-экономических отношений США // МЭиМО. – 2008. – № 10.

5.81. Гахов А. Психологические аспекты применения авиации в современных условиях // Зарубежное военное обозрение, - №11 - 2004. – С. 39-40

5.82. Грабельников Г.Г. Массовая информация в России: от первой газеты до информационного общества. – М.: изд. Российского университета дружбы народов, 2001. – С. 201-202

5.83. Гриняев С. Взгляды военных экспертов США на ведение информационного противоборства. – ЗВО, №8, 2001г.

5.84. Жуков В. Взгляды военного руководства США на ведение информационной войны. – Зарубежное военное обозрение, № 1, 2001г.

5.85. Корнеев А.В. Топливо-энергетический комплекс США: проблемы безопасности // Ж. США*Канада, - №8 - 2004. – С. 45

5.86 Леваков А.А. Анатомия информационной безопасности США // Jet Info, - №6 - 2002. – С. 27

5.87. Леваков А.А. В США принят план защиты информационных систем // Ж. Jet Info, - №8 - 2000. – С. 12

5.88. Павлютенкова М.Ю. Информационная война: реальная угроза или современный миф? // «Власть», 19.12.2001, Москва, №12. – С. 19-23

5.89. Пеньков И.А. Информационная безопасность Российской Федерации

(политологический анализ) // Аналитический вестник Совета федерации Федерального Собрания России. 2005, №14 (266).

5.90. Роговский Е.А. Кибербезопасность и кибертерроризм // США * Канада, - №8 - 2003. – С. 32

5.91. Шишкин Г. В войнах будущего главное компьютер, а не танк // Эхо планеты, - №5 - 2005. – С. 8-9

6. Интернет ресурслар

6.92. Containment. Documents of American Policy and Strategy 1945-1950. Ed. by T. Etcold and J. Gaddis. – N.Y.: 1978

6.93. Libicki M. What is information warfare? – <http://www.ndu.edu/>, 15.07.04г

6.94. Айдакиева А. Информационные войны в современной Центральной Азии // Источник www.tollsty.ru 20.06.2008

6.95. Алексеева И. Возникновение идеологии информационного общества <http://www.iis.ru/events/1998.11.30/alexeeva.ru.html>.

6.96. Концепция формирования информационного общества в России. <http://www.iis.ru/library/riss/riss.ru.html>.

6.97. Мелюхин И. Информационное общество: истоки, проблемы, тенденции развития. - <http://www.isn.ru/info/seminar-doc/Inf Soc 20.doc>.

6.98. Пропагандистский план Пентагона недемократичен // Eurasia-geopolitics, <http://www.fair.org> 19.02.02г.